Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 28-mart, payshanba № 38-39 (3232)

Форум



Бошланғич ташкилот — касаба уюшма ҳаракатининг асоси

Ушбу шиор остида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг I Республика форуми бўлиб ўтди.

Маълумки, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш самарадорлигини ошириш, касаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, бошланғич ташкилотлар олдида турган вазифалар ва истиқболли режаларни белгилаш, етакчиларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш тизим фаолиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур форум айнан ушбу мақсадга хизмат қилади.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида илк маротаба ўтказилаётган форум аввалида иштирокчилар — 100 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида жам бўлишди.

Эътироф этиш лозимки, Истиқлолимиз рамзига айланган ушбу майдон барча-барчани ўзига оҳанрабодек тортиши бежиз эмас. Эзгулик аркаси узра қанот қоқаётган турналару фаровон ва тинч заминда виқорла турган лайлаклар меҳр-муҳаббат, бағрикенглик ва тинчликни ифода этиб, ҳар бир киши кўнглида шукроналик туйғусини уйғотади, беихтиёр. Ана шундай ифтихор ҳисси чулғаб олган форум иштирокчилари «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гулчамбарлар қўйишди.

* * *

ЎзКУФК Ўқув марказида форум иштирокчиларининг касаба уюшма тизимида бошланғич ташкилотларга қаратилаётган эътибор, уларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар таҳлилига бағишланган умумий йиғилиши ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева йиғилишни очар экан, касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратди:

— Асосий мақсадимиз — ходимларнинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ижроси қуйи бўғин фаолияти билан бевосита боғлиқ. Форумдан кўзланган мақсад ҳам бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Фаолиятга назар
Яшасин яхшилик!
4-саҳифа ▶

Истеъмолчи ҳамиша ҳақ
«Дада, телевизор ёнаяпти»
6-саҳифа ▶

Муштарий минбари
Қўлингизни ўпгим келади
8-саҳифа ▶

Сарҳадлар оша
Тамаддунимиз бешиги
11-саҳифа ▶

Мутолаа
Гулсиз хаёллар
12-саҳифа ▶

Саломатлик сабоқлари
Табибимиз — табиат
13-саҳифа ▶

Спорт салтанати
Бразилияга яқин қолди
14-саҳифа ▶

Олам ва одам
155 млн. долларлик «Орзу»
15-саҳифа ▶

Jshonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)



Бошланғич ташкилот –

Ушбу шиор остида бошланғич касаба уюшма

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан кейин ўтган вақт мобайнида касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом» ишлаб чиқилиб, Федерация Кенгаши Раёсатида тасдиқланди. 2011 йилдан бошлаб ҳудудлардаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Шунингдек, республика миқёсида илк маротаба «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови йўлга қўйилди. Республикада фаолият юритаётган 1 минг 394 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг таълим йўналишларига мувофиқ тарзда тегишли тармоқ касаба уюшмалари хизматига олиниши қайд этилган йўналишлардаги ишлар самарасини янада оширишга имкон яратди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятига эътиборни янада кучайтириш мақсадида ўтган йилда ҳар бир ҳудуддаги биттадан туманда барча тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини намунали йўлга қўйиш бўйича бошланган ишлар бугун ўз самарасини бераяпти.

Шунингдек, касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳозирда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари тузилишига эришиш, бу орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиниши, ходимлар олдида иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари вакилларининг жамоа шартномалари бажарилиши тўғрисида ҳисобот бериб боришларини таъминлаш масалалари устувор вазифалар қаторидан ўрин олди.

Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ва келишувлар мазмун-моҳиятининг бойитилиши нафақат ходимлар, балки, улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини ҳам кучайтирди. Хусусан, ушбу локал ҳужжатларга хотин-қизлар ва ёшлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилиб, улар учун имтиёзлар кўлами кенгайтирилди. Натижада, хотин-қизлар учун қўшимча таътиллардан фойдаланиш, ёш оилалар учун фоизсиз ссудалар бериш, ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, касб касалликлари профилактикаси устувор вазифа этиб белгиланган айни муддао бўлди. Касаба уюшмалари ходимларнинг хавфсиз ва қулай меҳнат шароити билан таъминланиши баробарида иш жойларида маиший шароитларнинг яратилиши, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши борасида ҳам жамоатчилик назоратини олиб бормоқдалар. Маданий-маърифий ва спорт тадбирларини тизимли ташкил этиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида ташкилотлараро спортнинг оммавийлигини ошириш, ишдан ажралмаган ҳолда саломатлик гимнастикаси ўтказилишини таъминлаш имконини берди. Бу соғлом турмуш тарзи тарғиботи таъсирчанлигини кучайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Тизимни такомиллаштириш жараёнида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, бошланғич ташкилотлар касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этиб, бевосита ходимлар манфаатини манзилли ҳимоялашда муҳим бўғин ҳисобланади. Шу боис, жорий йилдан бошлаб бошланғич ташкилотларда аъзолик бадалларининг 60 фоизини, йирик ижтимоий объектлари мавжуд бўлган корхона, ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарида 70-80 фоизгача қолдириш тизими жорий этилди. Ушбу маблағларнинг 10 фоизгача бўлган қисми ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига йўналтирилиши ҳозирда бу борада мавжуд имкониятларни уч баробарга оширди. Шунингдек, касаба уюшма аъзолари учун аввалгидек 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда 1 марта касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга имтиёзли йўлланма олиш имконияти юзага келди. Йўлланма нархининг ходим томонидан тўланадиган миқдори ҳам камайтирилди. Эндиликда касаба уюшма бюджети ҳисобидан ажратилган йўлланмалардан меҳнаткашларнинг яқин қариндошлари — ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандлари эҳтиёжи учун фойдаланиш имконияти яратилди.

Йиғилиш доирасида «Максам-Чирчиқ» акционерлик жамияти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмиталари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этиш соҳасидаги ижобий иш тажрибалари тақдимоти ўтказилди. Жумладан, «Максам-Чирчиқ» АК бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев ташкилот тузилиши, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият ҳақида атрофлича маълумот берди. Айниқса, корхона йирик бўлишига қарамай ҳар бир ходим билан индивидуал ишлашга ҳаракат қилиниши, яъни уларнинг оилавий аҳволи, иш шароити ўрганиб борилиши, имкон даражасида қўллаб-қувватланиши кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Корхонага янги ишга келган ҳар бир ходим, албатта, касаба уюшма йўриқномасидан ўтказилади. Уларга корхонадаги меҳнат тартиби, жамоа шартномаси бўйича тўлиқ маълумот берилади. Ушбу йўналишда тайёрланган махсус видеоролик билан таништирилиб, касаба уюшма афзалликлари ҳам тушунтирилади, — деди Б.Абдуллаев.

Шунингдек, «Шарқ» НМАК бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ғуломжон Ҳакимов ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашди. Жамоа шартномаси ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, меҳнаткашларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар мисолида касаба уюшма фаолиятини таҳлил этиб берди.

— Компания тасарруфидаги «Навбаҳор» сиҳатгоҳи қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этганимизга икки йил бўлди. 2010 йилда Фарғона вилоятидан 50 та қўй олиб келган эдик. Ҳозирда 160 дан ошиб кетди. Иш бе-



рувчи билан келишган ҳолда қўйларни ишчиларга арзонлаштирилган нархларда сотишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, қорамолларимиз 36 бошга етди. Паррандачилик ва балиқчилик ҳам йўлга қўйилган. Бунинг орқасидан ходимларимиз катта манфаат кўраяпти, — деди Ғ.Ҳакимов.

ЎзКУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев иш берувчи ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклик асосида ходимларни ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар — иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалаларига батафсил тўхталди.

Форум иштирокчилари ва Федерация масъул ходимлари ўртасида қизғин савол-жавоб бўлиб ўтди.

* * *

Форум иштирокчиларининг бир гуруҳи куннинг иккинчи ярмида «Тошкент Иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасига йўл олишди. Корхона қошидаги ўқув маркази раҳбари Неъмат Баратов ҳамда муҳандис-технолог Шавкат Маҳмудов меҳмонларни дастлаб кичик музейга таклиф этиб, станциянинг қурилиш тарихи ва кейинги фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар.

Шундан сўнг меҳмонлар касаба уюшмаси қўмитаси иш тажрибаси билан таништирилди.

— «Тошкент Иссиқлик электр станцияси»да 1415 ишчи-ходим меҳнат қилади, улардан 390 нафари аёллар, 430 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардан иборат, — деди касабақўм раиси Мунира Қосимова. — Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси маъмурият билан ижтимоий шериклик асосидаги 2011-2013 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси орқали мустаҳкамланган. Уни тузишда Меҳнат кодекси, ЎзКУФК тавсиялари, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси билан Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги тармоқ тариф келишувида акс этган масалалар инобатга олинган.

Корхонамизда Соғломлаштириш-саломатликни тиклаш мажмуаси барпо этилган. Унда стоматолог, терапевт, физиотерапевт каби шифокорлар, жами 22 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. Ходимлар соғлигини таъминлаш учун тренажер хонаси, сауна, бассейн ва физиологик муолажа хоналари мавжуд. Аниқланган касалликлар бўйича шифокорларнинг тавсиясига биноан ходимлар мажмуада ишдан ажралмаган ҳолда даволанмоқда. Зарур вазиятда энерготизимга қарашли стационарга ва республикамизда мавжуд санаторийларга йўлланмалар берилаётир.

Касаба уюшмаси қарори билан «Энергетик» ёзги дам олиш оромгоҳига шу кунга қадар 149 нафар ходимга имтиёзли нархларда, шунингдек, пенсиядагиларнинг 9 нафарига бепул йўлланма ажратилди. «Нурафшон» санаторийсида 9 киши, «Турон», «Зомин», «Оқ тош», «Бўстон», «Чортоқ» санаторийларида имтиёзли йўлланмалар асосида 16 киши соғлигини тиклади.

Касаба уюшмаси фаолияти билан танишарканмиз, яна бир қатор жиҳатлар эътиборимизни тортди. Хусусан, меҳнат муҳофазаси назорати намунали йўлга қўйилган. Корхона бўлинмаларида 38 та меҳнат муҳофазаси бўйича вакил иш олиб бормоқда. Касаба уюшмасининг ташаббуси билан корхонага амалиёт ўташ учун келган ва ишга қабул қилинган талабаларга Меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан семинарлар ўтказилиб, хавфсизлик техникаси бўлими билан биргаликда иш жойида хавф-хатарнинг олдини олиш бўйича йўриқномалар берилмоқда.

Ташриф сўнггида йиғилганларга касаба уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган «Қувноқлар ва зукколар», «Азиз ва муқаддассан аёл» кўрик-танлови ва турли маданий тадбирлар акс этган видеороликлар намойиш этилди.

* * *

Яна бир гуруҳ иштирокчилар эса «UZKABEL» ОАЖ қўшма корхонасида бўлиб, ишчи-ходимларга яратилган шароитлар, касаба уюшмаси ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди. Мазкур корхона юртимиздаги илғор ишлаб чиқариш тармоқларидан бири сифатида маълум. Ҳозирда корхонада сифатли кабел ва бўёқ маҳсулотлари тайёрланади.

касаба уюшма ҳаракатининг асоси

ташкилотлари етакчиларининг I Республика форуми бўлиб ўтди.

— Йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва иқтисодий кўрсаткичнинг ўсиши корхонада фаолият юритаётган меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда, — деди касабақўм раиси Рустам Турсунов йиғилганларга корхона фаолияти тўғрисида маълумот берар экан. — Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 1874 та ходимнинг 587 нафари хотин-қиз, 520 нафари эса ёшлар. Корхонада 2011-2014 йилларга мўлжал-



ланган жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ижроси мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Айниқса, ишчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг олдини олишга асосий эътиборни қаратаяпмиз. Ходимлар учун дам олиш ва кийим алмаштириш хоналари ташкил этилган. Уларнинг кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлангани иш сифати ва самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йўналишдаги тизимли ишлар учун ўтган йили 381 млн. 650 минг сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмаси қўмитаси ва цех бошланғич касаба уюшмалари ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан хабардор. Улар кўмагида кам таъминланган, эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам ажратилиб, байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Ўтган йилда ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағ 2 млрд. 403 млн. сўмни ташкил этди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси шулар ҳақида гапириб, корхонада ёшлар салмоғи ортаётгани, ишчи-ходимлар саломатлигини асраш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш борасидаги натижалар ҳам яхшиланиб бораётганига эътибор қаратди. Шунингдек, келгусида маъмурият билан биргаликда амалга ошириш кўзда тутилаётган чора-тадбирларни санаб ўтди.

Корхона ва бошланғич ташкилот фаолияти хусусида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олган иштирокчилар ўқув машғулотларига йўл олишди. Машғулотлар якунлангач, форум қатнашчилари Ўзбек Миллий академик драма театрида «Омон бўлгин, азизим» номли спектаклни томоша қилишди.

* * *

Икки кунлик форум доирасида Федерация Кенгаши мутахассислари модераторлигида касаба уюшмалари фаолиятининг барча устувор йўналишлари бўйича шўъба машғулотлари ўтказилди.

Жумладан, бошланғич ташкилотлар ишини устав талаблари асосида йўлга қўйиш; ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни; ходимларга хавфсиз меҳнат шароитини яратишда, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотлар олдида турган асосий вазифалар; «Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»дан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш; Бошланғич ташкилотларда маданий-маърифий ва спорт ишларини «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларнинг маданий-маърифий ва спорт йўналишлари бўйича фаолиятини юритиш тўғрисида Низом» асосида йўлга қўйиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

* * *

Форум якунига кўра Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича дастур ҳамда Форум резолюцияси қабул қилинди.

СЎЗ ФОРУМ ҚАТНАШЧИЛАРИГА:

Тойир САФАРОВ, Навоий вилояти «Хатирчи пахта тозалаш» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ташкилотимиз аъзолари 530 нафар, шундан 135 нафари хотин-қизлардир. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш доимий эътиборимизда. Касаба уюшмалари тизимида бўлаётган такомиллаштириш ишлари биз бошланғич ташкилотлар раислари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилнинг тизимда «Бошланғич ташкилотлар йили» деб белгиланиши ва ушбу Форум бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди, десам хато қилмайман. Икки кун давом этган машғулотлар, амалий тажриба алмашиш орқали тизимда амалга оширилаётган янгиликлардан хабардор бўлдим. Эндиги вазифа аниқ: тизимдаги ўзгаришларни оқилона англаб, уларни ишлаб турган ташкилотимизда тўғри татбиқ этишимиз жоиз.

Сергей САЛИМОВ, «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» (ЎЗКТЖМ) ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Форумнинг менга ёққан томони, қизиқарли маърузалардан ташқари, «Тошкент Иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасига қилган ташрифимиз бўлди. Сафар давомида катта комплексда кечаётган иш жараёни, ишчиларга яратилган имкониятларни кўздан кечирдик. Шунингдек, корхона касаба уюшмаси қўмитаси тажрибасини ўргандик, фикр-мулоҳазалар алмашдик. Орттирган кўникмаларимни, албатта, иш жараёнида қўллайман. Форум орқали турли вилоятлардаги бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлиб, фаолиятимиздаги ютуқ ва камчиликларга яна бир бор назар ташладик.

Зулфияхон НОСИРОВА, «Янги Ангрен Иссиқлик электр станцияси» ОАЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Жорий йилдан бошлаб бошланғич касаба уюшмаларига катта эътибор қаратиляпти. Буни биз касаба уюшмалари ҳисобида қоладиган аъзолик бадалларининг 60-70 фоиз этиб белгиланганида ҳам кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, илгари бу маблағнинг 3 фоизи соғломлаштириш ва дам олдиришга йўналтирилган бўлса, эндиликда бу 10 фоиз этиб белгиланди. Бу бизнинг ютуғимиз. Куни кеча корхонамизда 2012 йил учун жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказдик. Айтиш жоизки, ўтган йилда корхонамизда ходимлар манфаати йўлида талай ишлар бажарилди. Хусусан, иссиқхона барпо қилдик, чорвачиликни йўлга қўйдик, ёрдамчи хўжалигимизда етиштириладиган маҳсулот турини кўпайтирдик.

Форумдаги турли масалалар бўйича қилинган маърузалар орқали билимим янада бойиди. Бундан ташқари, жамоа шартномасига доир етарли маълумотлар олдим. Қолаверса, «UZKABEL» ОАЖ қўшма корхонасида бўлиб, яхши таассуротлар билан қайтдим.

Бекмирза УБАЙДУЛЛАЕВ, «Тўракўрғон нефт базаси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Жорий йилнинг феврал ойида бошланғич ташкилотлар раислари ўқуви ташкил этилган эди. Ўқув машғулотларида соҳамизга доир яхши маълумот ва билимлар олгандик. Бугунги Форум эса барча бошланғич ташкилотлар учун яна бир имконият эшигини очди. Форум дастуридан ўрин олган машғулотлар ва саёҳатлар бизга жуда маъқул бўлди. Бошқа касаба уюшма қўмиталари тажрибаси билан танишиб, ташкилотимизда маданий-маърифий тадбирлар, оммавий спорт тадбирларини янада кучайтиришимиз лозим, деган хулосага келдим.

Нигора АБДУЛЛАЕВА, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мактабимизда ходимларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун етарли шароит мавжуд. Мактаб биноси яқинда таъмирдан чиқарилди. Касаба уюшмаси ташаббуси билан ходимларнинг ишдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида саёҳатлар уюштиришга, театрларга чипталар олиб беришга ҳаракат қиламиз. Бугунги форумдан шуни билдимки, елкамиздаги масъулият залворли. Фаолиятимизни ривожлантиришга қаратилаётган бу каби чора-тадбирлар албатта, ўз самарасини беради.

Гулбарчин ЖАЙЛИБОЕВА, Жиззах вилояти Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси:

— Ҳа, касаба уюшмалари тизимида жуда кўп янгиликлар юз бераётир. Булардан бири ходимларнинг ҳар икки йилда дам олиш имтиёзига эга бўлгани, қолаверса, бу имтиёздан уларнинг яқинлари ҳам фойдаланиш имконияти яратилганидир. Бу эзгу ташаббус тармоқ ходимлари томонидан қизғин кутиб олинди.

Тармоқ ходимлари туман кенгаши атрофида 41 бошланғич ташкилот бор. Улар билан ҳамкорлигимиз яхши. Бундан кейин ҳам бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини янада кенгайтириш, уларга амалий ва услубий ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Форумдан хулосам шуки, мавжуд камчиликларни бартараф этиб, яхши ютуқларга эришиш чора-тадбирларини белгилашимиз зарур.

Маҳмуджон ИБРАГИМОВ, Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ўн саккиз йилдан буён касаба уюшма тизимида меҳнат қиламан. Меҳнатнинг қадр топиши ҳар бир инсонни янада куч-ғайрат билан ҳаракат қилишга ундайди. Бошқармамизда 1150 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини назоратга олиш борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Форумда фидойи касаба уюшмаси фаоллари, намунали бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишдим. Олган таассуротларимни бошқарма ишчи-ходимларига етказаман.

Мақсуда МАХМАТҚУЛОВА, Олтинсой тумани Ахборот ресурс маркази инновацион тадқиқотлар сектори мудири, бошланғич ташкилот раиси:

— Форум давомида иштирокчиларни гуруҳларга бўлган ҳолда шўъба машғулотлари ташкил этилди. Машғулотлар жараёнида бошланғич ташкилотлар ишини устав талаблари асосида йўлга қўйиш учун нималарга эътибор қаратишимиз лозимлигига ҳам алоҳида урғу берилди. Бу фаолиятимизни изчил ва самарали юритишимиз имконини яратади, албатта.

Саҳифа ЎзКУФК Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)

Халқимизда шундай ҳикмат бор: яхшилик яхшиликдан қувватланиб, дунёни эзгуликка тўлдиради. Юртимизда давом этаётган Наврўз шодиёналари одамларга кўтаринки кайфият, эзгулик ва меҳр-саховат улашиб, қалбларни саховат нурларига тўлдирмоқда. Айниқса, бу айём халқимизнинг одатига айланиб улгурган — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, табаррук кексалар дуосини олиш, муҳтожларга мурувватли бўлиш каби эзгу фазилатларни янада ёрқинроқ намоён этмоқда.

Яшасин яхшилик!

Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир. Ушбу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори қабул қилинган бўлиб, аъзо ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар томонидан режали асосда ижро этилмоқда.

Қарор асосида барча касаба уюшма ташкилотлари ўз тадбирларини белгилаб, уни бажаришда муайян ишларни амалга оширдилар. Шу кунларда тизимга қарашли қай бир ташкилотга борманг, саховат, меҳр-мурувват байрамимиз Наврўз нафасини ҳис қиласиз. Касаба уюшмалари Марказий кенгашларидан тортиб, туман, шаҳар кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталаригача байрамнинг юқори савияда ўтказилишида фаол иштирок этмоқдалар.

Байрам муносабати билан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 23 минг 156 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 820,3 млн. сўмлик моддий кўмак берилди.

Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, Авиаходимлар, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари, Таълим, фан ва маданият ходимлари Марказий кенгашлари, Санатор-курортлар бошқармаси томонидан республиканинг турли ҳудудларида жойлашган 46 та «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйларига 37,7 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шу билан бир қаторда, Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарининг ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказилишида касаба уюшмалари ташаббускорлик кўрсатишди. Ҳашар муносабати билан касаба уюшма органларида меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ, яъни 38 млн. сўм меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши қарори асосида ихтиёрий равишда, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг республика бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим, бўлинмалари бошқарувларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилди.

Касаба уюшмалари Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотларида, санаторийларда ишчи-ходимлар, талаба ёшлар иштирокида «Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» шиори остида ўзбек халқ ўйинлари ва спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоят ташкилотларида «Юрт келажаги — баркамол авлод қўлида», «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шиорлари остида енгил атлетика бўйича беллашувлар, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида «Спорт — саломатлик гарови» спорт мусобақалари ўтказилди.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда ташкил этилган спорт мусобақаларида ғолиблар 7,7 млн. сўмлик, Хоразм вилоятида катта теннис бўйича ўтказилган вилоят биринчилиги ғолиблари 1,1 млн. сўмлик совғалар билан тақдирланди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида санаторийларда «Обод турмуш – фаровон ҳаёт» мавзуида туркум тадбирлар уюштирилди. «Наврўз — кўҳна қадриятларимиз тимсоли» мавзуида маърузалар ташкил этилиб, миллий байрам, урф-одатлар тарғиб қилинди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамоатчиликка етказилди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт, байрам тантаналари ташкил этилиб, меҳнат фахрийлари, фан ва адабиёт намояндалари билан учрашувлар, ижодий кечалар уюштирилди.

Касаба уюшмалари Андижон, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотларида хотин-қизлар комиссиялари ташаббуси билан ташкил этилган «Ораста қизлар», «Баҳор маликалари», «Наврўз таомлари» мавзуида миллий кийимлар ва таомлар танловлари ҳамда кўргазмалар, «Қадриятларни қадрлаймиз» номли маданий-маърифий тадбирларда минглаб кишилар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларидаги касаба уюшма ташкилотлари ёшлар иштирокида «Қушлар байрами», «Гуллар байрами», «Варрак учириш», «Сумалак сайли» каби тадбирларнинг ўтказилишида фаоллик кўрсатдилар. Қашқадарё вилоятида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Энг обод маҳалла», «Энг намунали томорқа», «Энг саранжом хонадон» кўрик-танловлари ташкил этилиб, ғолиблар касаба уюшмасининг эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Шунингдек, уюшма аъзоларининг театрларга, музей ва санъат кўргазмаларига ташрифи ташкил этилди. Фарғона, Тошкент, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги байрам тадбирларида корхона, ташкилотлар тасарруфидаги касаба уюшмаларига фойдаланиш учун берилган маданият саройларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз чиқишлари билан дилларни хушнуд этдилар.

Байрам арафасида Жиззах вилоятида 208 нафар, Бухоро вилоятида 160 нафар, Қашқадарё вилоятида 400 нафар, Хоразм вилоятида 346 нафар оилаларнинг Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди ва бу мақсадлар учун касаба уюшмалари маблағидан қарийб 15 млн. сўм йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами арафасида ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги йиғилиш баёни ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга 50 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Меҳнат жамоаларида Обод турмуш йилининг Наврўз шодиёналари давом этмоқда.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

Касаба уюшмалари

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясида

АЁЛ БОРКИ...

Касаба уюшма ташкилотларига аъзо муассасаларда ишловчи хотин-қизларнинг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари учун шароит яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, март ойида Наманган вилоятида 1946 та маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Уларда ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг тарғиб қилинди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ туман кенгашида «Аёллар — жамият таянчи», мазкур туманнинг таълим тизимида «Аёллар ижтимоий ҳимояси — касаба уюшма эътиборида», Наманган шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан «Аёл дунёни тебратар», «Дийдор ширин», Косонсой туманидаги «Пахта толаси» жамияти бошланғич ташкилотида «Жаннат оналар оёғи остида», «Тўқимачи» МЧЖда «Аёл билан олам мунаввар» каби учрашув, давра суҳбати, кўрик-танловлар кўтаринки руҳда ўтказилди.

Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учқўрғон туман кенгаши томонидан волейбол, шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бундай эсда қоларли тадбирлар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тўрақўрғон ҳамда Учқўрғон туман кенгашлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ туман кенгаши, Наманган шаҳридаги 1-шифохона, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳорий байрамлар муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари ҳамкорлигида 21 нафар илғор, фаол аёлга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

— Касаба уюшма фидойиларининг борига шукур. Ёрдам керагида қўл чўзиб, кўнглимизни кўтарадиганлар ҳам шулар, хирмонимизга барака тилаб, қалбимизга эзгулик уруғларини қадайдиганлар ҳам шулар, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Халчахон Мирзаева. — Бундай руҳий мадад билан киши ўзини ҳар қандай юмушга тайёр сезади.

Мазкур тадбирлар асносида 8962 нафар аёл моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бунинг учун 88,7 млн. сўм миқдорида касаба уюшма ҳамда ҳомийлар маблағи сарфланди. Эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож 644 нафар аёл ҳолидан хабар олинди. Ушбу мақсад учун 20,8 млн. сўм касаба уюшма маблағи сарфланди. Касаба уюшмаларининг жорий йилги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Чортоқ туман кенгаши томонидан Сержантлар тайёрлаш мактабидаги 8 нафар техник ходимага 320 минг сўмлик картошка уруғи ҳамда кўчатлар олиб берилди.

Аёлларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган бу каби тадбирлар туфайли жойларда касаба уюшмалари нуфузи тобора ортиб бораётир.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

ДАВР


Ходимларга иш жойида зарур ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, инсон ҳаётига зиён етказувчи омилларни камайтириш каби вазифалар алоҳида ёндашувни тақозо этади. Ўтган йилда ушбу мавзуда 13 марта ўқув-семинари ўтказилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан ўтган йили вилоятда 43941 та янги иш ўрни яратилди. Янги иш ўринлари мониторингида ходимларга меҳнат муҳофазасига доир барча масалалар юзасидан тушунчалар берилди.

Бўлимимиз томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмага асосан бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси, соҳа бўйича комиссиялар ва вакиллар ишини такомиллаштириш билан бирга, ҳар бир бошланғич ташкилотда йилига бир марта маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида меҳнат муҳофазаси ҳолати умумий йиғилишларда кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланиши йўлга қўйилди.

Соҳа бўйича сайланган вакиллар 3987 нафар бўлиб, улар томонидан қонун-қоида ва меъёрий талабларнинг бузилиши юзасидан касаба уюшма органлари ҳамда иш берувчиларга 441 та тавсияномалар киритилди. Мавжуд 1399 та бошланғич касаба уюшмасидан 933 тасида ана шу муҳим масала муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди, ижроси назоратга олинди. Умуман, меҳнат муҳофазаси тадбирларини бажаришга 3 млрд. 139 млн. сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир ходимга ана шу мақсадда йўналтирилган сармоя 812 минг сўмни ташкил этди.

Иш жойларини шаҳодатлаш борасида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда қабул қилинган режага кўра қурилиш корхоналарида 97 та, соғлиқни сақлаш тизимида 103 та, ме-



фаровон ҳаёт, обод турмуш сари

Ички туризм

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ДАРС

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Қорақалпоқ туризм» компанияси билан ҳамкорликда Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Баркамол авлод» интеллектуал маркази тўгаракларида шуғулланаётган 3-9-синф ўқувчиларидан иборат 100 нафар иқтидорли болаларнинг жанубий туманлардаги тарихий жойларга саёҳатини ташкил қилди.

Сайёҳлар аввало, Нукусдан 42 чақирим жануби-шарқда жойлашган Чилпиқ қалъасига келишди. Тадқиқотларда эрамизнинг 1-2-асрларида қурилгани қайд этилаётган ушбу тарихий иншоот ўз маҳобати, чиройи билан диққат-эътиборни тортди. Бурама сўқмоқлар орқали қалъа тепасигача кўтарилган ёшлар ўз қувончларини яшира олишмади. Қувонмай бўладими, бир ёнда жўшқин Амударё кумуш камардай товланади, бир томонда Буюк ипак йўли қурилишида қудратли техникалар шитоб билан ҳаракатланади. Ҳув, анави далада бир жуфт трактор ер текислаётир, бу томондаги далада эса, деҳқон бобо ернинг шўрини ювиш билан банд.



Саёҳат таассуротлари билан пастга тушибоқ ўртоқлашилди.

Савол-жавоб асосига қурилган ўзига хос очиқ осмон остидаги дарс болаларга Чилпиққалъа ҳақида тўла маълумот берди.

Кейин автобуслар карвони маҳаллий халқнинг узоқ ўтмишидан дарак берувчи қадимий обидалар ватани — Элликқалъага йўналди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган сайёҳларга, элшунос, халқ ижодиёти ва амалий санъат тадқиқи билан шуғулланувчи олимларга мезбонлик қилган «Асрлар садоси» фестивали бўлиб ўтган Тупроққалъа тарихий ёдгорлиги ёш ўлкашуносларда янада катта қизиқиш уйғотди. Ўқитувчиларнинг қалъа ўтмиши, ўз даврида бажарган ҳарбий-стратегик вазифаси ҳақидаги таъсирчан ҳикояларини эшитган болалар ўзларини эрамизнинг 3-4-асрларидаги воқеаларга гувоҳ бўлгандек ҳис қилишди.

Эрамизнинг 1-2-асрларида қурилган Қизилқалъа, 2-4-асрлардан гувоҳлик берувчи ёдгорлик Аёзқалъа саёҳати ҳам таассуротга бой бўлди. Айниқса, Аёзқалъа пойида тикилган ранго-ранг ўтовлар, очиқ ҳавода қурилган ўчоқ ва тандирларда пиширилган сархил таомлар тановули, эгар-жабдуқли от ва туяларда қилинган сайру томоша ёш сайёҳлар қалбини завққа тўлдирди.

Файзулла САЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Янгича ёндашув

Касаба уюшмалари тизимидаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни қуйи ташкилотлар фаолияти самарадорлигига кафил бўлаётир. Айниқса, бошланғич ташкилотлар молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши меҳнаткашларга яратилаётган имтиёз ва қулайликлар салмоғини оширмоқда.

МЕҲНАТКАШГА МАНЗУР

Сир эмас, илгари касаба уюшмаларига аъзо бўлган ходим беш йилда бир мартагина имтиёзли соғломлаштириш имкониятига эга бўларди.

Масалан, Самарқанд вилоятида ўтган йилнинг шу даврига қадар меҳнаткашларга етказиб берилган сиҳатгоҳлар йўлланмалари 183 тани ташкил этган эди. Жорий йилда эса бу миқдор 231 тага етди. Ҳудуддаги Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳда булгургига нисбатан 21 нафардан зиёд киши ўз саломатлигини тиклади.

— Жорий йилдан бошлаб соғломлаштириш соҳасида амалга оширилган имтиёзлар боис дам олишни истаганлар сони кескин ошди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими бошлиғи Шерзод Урдушев. — Меҳнаткашларга эндиликда 2 йилда бир маротаба имтиёзли йўлланма олиши, йўлланма қийматининг 55 фоизи ижтимоий суғурта маблағидан қопланиши, ажратилган йўлланмалардан ходимнинг яқин қариндошлари ҳам фойдаланиши мумкинлиги тушунтириб берилди.

Масаланинг яна бир томони шундаки, такомиллашув илгари касаба уюшмалари тизими сафида бўлмаган корхоналарда бошланғич касаба уюшма ташкилотини шакллантириш иштиёқини пайдо қилди. Самарқанд вилоятида бундай ташкилотлар оз эмас.

Жомбой туманидаги «Амин инвест» ип-калава ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси экспорт бозорида муқим ўринга эга. Бу ерда 600 нафар киши меҳнат қилади. Эътиборли жиҳати, корхона маъмурияти «Устоз-шогирд» анъанасига қатъий амал қилиб, маҳаллий ёшларни ўз сафига тортиб келмоқда. Ўтган йилда юз нафар коллеж битирувчиси ишчилар сафидан жой олган бўлиб, ушбу корхонада ҳам бошланғич касба уюшма ташкилоти тузиш борасидаги ташкилий жараён бошлаб юборилди.

Шунингдек, ҳудуддаги нуфузли «MAN» юк автомобиллари ишлаб чиқариш корхонасида бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

БОҒИМИЗНИ БАҲОР СИЙЛАДИ

Бундан уч йил аввал муассасамизда бўлиб ўтган бошланғич касаба уюшма қўмитаси йиғилишида кўпчилик менинг номзодимни етакчилик вазифасига кўрсатган эди. Ўшанда қатъий туриб рад этмаган бўлсам-да, жамоатчилик асосида зиммамга юкланаётган бу вазифа моҳиятини унчалик тушуниб етмаган эдим. Энди билсам, кўпчиликнинг ишончига эришишнинг ўзиёқ чинакам бахт экан.

Туман касаба уюшмалари тизими намунали масканлардан саналади. Шунинг учун қўлимиздан келганча аъзолар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланишини биринчи ўринга олиб чиқиш чораларини кўраяпмиз. Коллеж директори Жумақул Қурбонов, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Замира Сафарова, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси Аҳмаджон Исломовлар хайрли ишларда кўмакдош бўлмоқдалар.

Коллежимиз майдони 2,7 гектарни ташкил этади. Уч йил аввал 60 сотихдан ошиқроқ майдонга мевали дарахт ниҳолларини қадаб, парваришини бошлаб юборгандик. Ҳозирда ниҳоллар ўсиб, баҳор сийловидан барча навдалар анвойи гулларга бурканди.

Иш берувчи ҳамкорлигида аъзолар ва уларнинг оилаларини моддий қўллаб-қувватлаш, бунинг учун янги-янги имкониятларни ишга солиш ниятида мактаб томорқасидан орттирилган маблағ ҳисобига икки бош қорамол сотиб олдик. Ҳозирга келиб, 100 бошдан ортиқ товуқ парваришлаяпмиз. Муассасамиз ёнидаги ширкатга тегишли 0,5 гектарлик майдонни яқин икки ойда ободонлаштириб, ота-оналар ва ўқувчи ёшлар кўмагида «Ёшлар боғи» ташкил этдик. Бу боғда терак қаламчаларидан ташқари мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Турли рангда очиладиган атиргуллардан яхшигина чаманзор ташкил этаяпмиз. Улар орасида петуния ва бошқа ўнга яқин ноёб гуллар тури мавжуд. Мақсадимиз, коллеж ҳовлисининг ҳар бир қаричини обод масканга айлантиришдир.

Мансур БАДАЛОВ,
Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

ТАҚОЗОСИ

таллургия ва машинасозликда 113 та, нефт маҳсулотлари корхоналарида 117 та, электр тармоқлари тизимида 179 та, пахта тозалаш корхоналарида 279 та иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.

Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда 513 та корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси борасидаги ишлар ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга тақдимномалар киритилди. Шунингдек, меҳнат жамоаларида қабул қилинган 6528 та жамоа шартномасига 17742 та меҳнат муҳофазаси борасида тадбир киритилган бўлиб, барчасининг бажарилишига эришилди.

Фуқароларнинг ариза ва мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Бўлим томонидан 45 та мурожаат кўриб чиқилиб, аризачилар фойдасига ҳал этилди. Олти нафар фуқаронинг манфаати йўлида судларда даъво иши қўзғатилиб, адолат қарор топтирилди. Зафаробод туманида яшовчи Х.Раҳматовага 1.893.552 сўм, жиззахлик С.Акбердиевага 51.600.312 сўм, зарбдорлик Т.Қулбеков оиласига 16.593.768 сўм ундириб берилди.

Афсуски, жойларда ўтган йили оғир оқибатли бахтсиз ҳодисалар ҳам қайд этилди. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, икки жабрланувчи меҳнат қучоғига қайтиб, уларга қонуний тўловлар иш берувчилар томонидан тўлиқ амалга оширилди. Оқибати ўлим билан тугаганларнинг оилаларига тегишли бўлган бир марталик нафақа пули вақтида ундириб берилиб, боқувчисини йўқотганлик нафақаларининг тўлови ҳам қатъий назоратга олинди. Содир бўлган бахтсиз ҳодисалар жойида таҳлил этилиб, тегишли кўрсатмалар йўлланди.


Кези келганда айрим мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтсам. Кўпгина вазирликларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларнинг йўқлиги сабабли вилоятлардаги тизимга қарашли корхоналардан бу борадаги ишлар сўраб-суриштирилмайди. Бюджет ташкилотларида эса меҳнат муҳофазасига маблағ ажратилмаяпти. Дарвоқе, бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссиялари томонидан тўпланган ҳужжатлар жамламасида ҳар бир бахтсиз ҳодиса бўйича жабрланганларга тегишли товон ва нафақа пуллари тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниб, тўланганлиги ҳақида маълумотнома бўлиши шартлиги белгилаб қўйилса айни муддао бўларди.

Давр жойлардаги бошланғич ташкилотлар ва кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ходимларга қулай ва хавфсиз иш шароити яратиш борасида жиддий фаолият юритишни тақозо этяпти. Бу, биринчи навбатда, меҳнат муҳофазаси ҳолати юзасидан уч босқичли — маъмурий-жамоат назоратини кенг йўлга қўйиш доимий эътиборда бўлиши керак, деганидир.

Абдурауф САНГИЛОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (9232)

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Савол: Ходимнинг меҳнат вазифасини бажариш чоғида олган жароҳати оқибатида меҳнатга лаёқатсизлик даражаси ва қўшимча ёрдамга муҳтожлигини қайси ташкилот аниқлайди?

Жавоб: Жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади.

Касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасини белгилаш билан бир вақтда, ТМЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади.

Савол: Ишлаб чиқариш таълимини (амалий машғулотни) ўташ даврида меҳнат жароҳати олган фуқаролар бўйича тўловлар қандай тартибда тўланади?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»нинг 19-бандига мувофиқ, ишлаб чиқариш таълимини (амалий машғулотни) ўташ даврида меҳнат жароҳати олган фуқароларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) жабрланувчининг қайси касб (мутахассислик) бўйича ўқиганлигига қараб, шу касб (мутахассислик) ставкаси (маош)дан келиб чиққан ҳолда (аммо 2 разряддан паст эмас) ҳисоблаб чиқилади. Ўқиш (амалий машғулот) давомида иш ҳақи (даромад) олган шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) шу давр учун ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчиларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) ўқиш даврида тўланган стипендия бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Савол: Корхонамизда жами ишчи ва хизматчилар 33 нафарни ташкил этади, транспорт воситалари ҳам мавжуд.Техника хавфсизлиги муҳандиси лавозими жорий этиш шартми?

Жавоб: «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозими жорий этилади). 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозими жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаси раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Савол: Ёш тадбиркорман, ходимларим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортишга ҳақлими?

Жавоб: «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси ва Меҳнат кодексининг 214-моддасига асосан, корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимлари меҳнат шартномасини имзолаш пайтида – дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Агарда, ходим тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортса ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармаса, маъмурият уни ишга қўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Савол: Ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатлари бўйича тушунча берсангиз.

Жавоб: «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган. Унга кўра:

Меҳнат шартномаси (битими) шартлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият касб касаллигининг пайдо бўлиши эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда, ходимни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Саволларга Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнат муҳофазаси» бўлими мудири Усмонжон КАРИМОВ жавоб берди

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМИША ҲАҚ

Телефон носоз чиқди




Бугун уяли алоқа воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Шу сабабдан истеъмолчиларда жажжи дастёрни харид қилиш, ишлатиш билан боғлиқ зиддиятли вазиятлар кўплаб кузатилмоқда. Сотувчилар ўртасида сифатсиз телефонларни сотиш, кафолат муддати шартларига амал қилмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Олмалиқ шаҳрида яшовчи истеъмолчи А.Гладких «Динамо» савдо расталарининг биридан «Нокиа 62-33» русумли телефон харид қилди. Бироқ, орадан ўн кун ўтгач, унинг экрани талаб даражасида эмаслиги, нуқсонлари борлиги маълум бўлди. Харидор дўкон эгаларига мурожаат қилганида, улар шартнома муддати ўтиб кетганлигини рўкач қилишди.

Шундан сўнг А.Гладких шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди. Ариза асосида вазият ўрганилганда, амалдаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор меъёрлар бузилганлиги маълум бўлди. Истеъмолчининг розилиги билан унга бошқа русумдаги сифатли уяли алоқа телефони берилиб, нархидаги тафовут пуллари қайтарилди.

«Дада, телевизор ёнаяпти»

Плазма телевизорлари ҳаётимизга кириб келган ажойиб янгиликлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Ахир у орқали турли форматлардаги кўрсатувларни катта экранда томоша қилиш, рақамли телевидение мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш мумкин-да.



Бироқ олмалиқлик А.Шодиевнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. У 2012 йил 8 ноябрда шаҳардаги дўкондан плазма телевизорини харид қилган эди. Бироз муддат фойдаланишдан сўнг телевизор электрга уланганда қизийдиган «қилиқ» чиқарди. Яхшиямки қурилма тутай бошлаганида истеъмолчининг фарзанди «Дада телевизор ёнаяпти» деб бақиришга улгуриб қолди. Бўлмаса, ёнғин чиқиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Вужудга келган вазият юзасидан фуқаро шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилгач, телевизор дўкон ходимлари томонидан бепул таъмирлаб берилди.

Бугунми ёки эртага?

Худди шу шаҳарда яшовчи Н.Мамутова 2012 йил май ойида «Импулс» номли дўкондан 1 млн. сўмга газ плитаси харид қилган. Маҳсулот учун 3 йилга кафолат муддати берилган.



Октябр ойида газ плитаси бузилиб қолган ва истеъмолчи дўконга мурожаат қилганида, сотувчилар бугун, эрта дея вақтни чўзиб келган. Охир-оқибат истеъмолчи шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Жамият аралашуви билан газ плитаси таъмирлаб берилиб, истеъмолчининг талаби ижобий ечим топди.

Гавҳар САГАТОВА,
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мутахассиси

АНА ХОЛОС!

Емоқнинг қусмоғи ҳам бор

Қибрай туманида истиқомат қилувчи Файратулло Тоғаевнинг гап-сўзини эшитиб, ҳалол ва ишнинг кўзини биладиган инсон деб ўйлашингиз аниқ. «Микрокредитбанк» Гулистон шаҳар амалиёт бўлимидагилар ҳам унга 3 йил муддатга 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 350 млн. сўм кредит маблағини бераётганда шундай ўйлашганди...

Сармояни олгач, банкка тақдим қилинган бизнес режасига асосан F. Тоғаев ун ишлаб чиқаришни бошлаб юбориши лозим эди. Бироқ ҳужжатлар буткул бунинг аксидан ҳикоя қилади. «Тадбиркор» 348 млн. сўмга сотиб олинган 600 тонна 3-навли буғдойни тергов жараёнида номи аниқланиши имконияти бўлмаган шахсларга пуллаб, даромадни эса сармоя билан қўшиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади. Кредитни банкка қайтариш кераклигини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Бироқ «емоқнинг қусмоғи ҳам бор». F.Тоғаев суд ҳукмига асосан қонунчиликда назарда тутилган тартибда жазоланди.

Ж. ХУДОЕВ,
СВОЖЖДЛҚКД Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи


Семинар

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда «Kafolat» ДАСК ходими Акрам Шаробиддинов ушбу қонуннинг ижроси борасидаги амалиёт ва тажрибалар хусусида маъруза қилди.

СУҒУРТА — ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

— Бугун юртимизда суғурта ишларини юксак даражада амалга ошириш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, — деди у. — Республика бўйлаб соҳага оид меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш мақсадидаги семинар-учрашувлар ўтказиб бориш режалаштирилган.



Мамлакатимизда 1994 йилда «Ўзбекинвест», 1995 йилда «Мадад» суғурта компаниялари мазкур соҳага асос солиб, етакчилик қилиб келишмоқда. 1997 йилдан бошлаб эса «Ўзагросуғурта» ҳамда «Kafolat» суғурта компаниялари иш бошлади. Айни пайтда 30 та компания орасидан тўққизтаси иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш хизмат турини таклиф қилмоқда.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишнинг аҳамияти хусусида тўхталар экан, А.Шаробиддинов бир воқеага кўпчиликнинг эътиборини қаратди:

— 22 нафар ишчиси бор фирма 317 минг сўм эвазига суғурталашни амалга оширган эди. Шундан ҳеч қанча ўтмай, ходимлардан бири ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этади. Албатта, ҳеч қандай пул вафот этган инсоннинг ўрнини боса олмайди, лекин боқувчисини йўқотган оилага суғурта компанияси 117 млн. сўм товон пулини тегишли тартибда тўлаб берди. Агар иш берувчи суғурталашни ортга суриб келганда, товон пули тўлаш оқибатида корхонага анча-мунча иқтисодий зарар етказилган бўларди.


Қолаверса, суғуртанинг мазкур турига мажбурийлик туси берилгани, аввало, инсон манфаатларига, унинг саломатлиги, хавфсизлигининг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Шунингдек, ходим манфаатларини ҳимоялашни бош мақсад этиб белгилаган касаба уюшма ташкилотлари жамоа шартномалари, келишувларда мазкур масаланинг акс этишидан манфаатдорликларини эслатиб ўтиш ўринли.

Шундан сўнг мазкур қонун ижросини таъминлашда вилоятда олиб борилаётган ишлар ҳамда амалдаги қонунчилик доирасида ҳуқуқий назоратни амалга ошириш бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси юристи И. Турсунов маъруза қилди. Маърузада таъкидланишича, вилоятда мавжуд 18 мингдан ошиқ иш берувчилардан уч мингдан ортиғи суғурталашни амалга оширган. Бу кўрсаткични яхшилаш, қонунчилик талабларини ижро этишни назорат қилишда суғурта компаниялари, касаба уюшмалари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, прокуратура органлари самарали ҳамкорлик механизмини ишга солишлари даркор.

Семинарда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Мутахассис минбари



Маълумки, овқат тайёрлаш, уй иситиш каби рўзғор ишларида табиий газ жуда қулай. Бироқ ундан фойдаланишда озгина эътиборсизлик катта ташвишларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олов жиловидан чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва буларнинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борадилар. Шунга қарамай, носоз ускуналар ва резина шланг орқали газдан фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз воқеалар ҳамон рўй бермоқда.

ОЛОВ жоннинг роҳати, у офат ҳамдир

Қашқадарё вилояти Қарши тумани Қуйи Бешкент қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳиддинов хонадонида маиший газ баллонга уланган 4 комфоркали газ плитасининг жўмраги очиқ қолдирилганлиги боис ошхонага газ тўпланиб қолган. Хонадон эгасининг фарзандларидан бири бундан бехабар гугурт ёққанида олов чиқиб, оқибатда қиз оғир тан жароҳати олган.

Яна бир фалокат Ғузор тумани Тинчлик маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов хонадонида юз берган. Уйнинг дарвозахонасида турган «Нексия» автомобилининг юкхонасига ўрнатилган 50 литр ҳажмли пропан газ баллонига 27 литр ҳажмли маиший газ баллонидаги пропан газини қўлбола усулда резина шланг орқали қуйиш вақтида чақнаш содир бўлиб, натижада 4 нафар фуқаро турли даражада куйган. Бундан ташқари, уйнинг 18 кв.м. том қисми, уй жиҳозлари ҳамда «Нексия» автомобили ёниб кетган.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан республика ҳудудида жойлашган аҳоли турар-жойлари ва кўп қаватли уйларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жойларда профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой мулкдорлар ширкати ҳамда газ ва электр идоралари ходимларидан иборат 692 та гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳлар томонидан ҳозирга қадар 1 млн. 244 мингта хусусий турар-жойлар, 16 минг 641 та кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан газ қувурига уланган резина шланглар, ясама мосламалар бартараф этилди.

Олиб борилган текширувлар давомида аҳоли турар-жойларида 13 мингдан ортиқ носоз дудбўронлар, 10 минг 700 дан ортиқ ностандарт шланглар ва 969 та электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, 4 минг 600 дан ортиқ газ сўриш мосламалари олдириб ташланди. Бу каби ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузаётган шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Ёнғинларнинг олдини олишда хонадонларда ўтказилаётган профилактик тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Айнан шунга кўра соҳа ходимлари тез-тез хонадонларда бўлиб, фуқаролар билан ёнғин хавфсизлиги мавзусида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бундай суҳбатларда бирга вилоят газлаштириш ва электр тармоқлари хизмати ходимлари ҳам иштирок этиб, хонадонларда газ ва электр асбоблардан қандай фойдаланилаётганлигини назоратдан ўтказиб боришмоқда. Аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда мамлакатимиз ҳудудига хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган газ ва электр асбоблари сотиш учун олиб келинмоқда. Айрим фуқароларимиз улардан фойдаланиш қоидаларини яхши билмасликлари оқибатида фуқароларнинг газ билан иситиладиган печдан заҳарланиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда.

Огоҳ бўлайлик: олов — жоннинг роҳати, эътиборсизлик қилинса, офат ҳамдир.

Анвар ХУДАЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон республикаси
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги
бош бошқармаси катта муҳандиси, майор

Тўйлар ҳақида ўйлар

Фаолиятимиз бевосита ёшларнинг никоҳини қайд этиш, халқимизнинг шодиёна кунларида қатнашиш билан боғлиқ бўлгани боис, баъзида тўйлардаги ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликка гувоҳ бўламиз.

БАХТ ҚЎРҒОНИ пулдан тикланмайди

Бебаҳо урф-одатларимиз ифодаси бўлган тўйда узоқ-яқин қариндошу таниш-билишлар тўкин дастурхон атрофида хонадон соҳибларининг қувончини бирга баҳам кўриши халқимизга хос қадриятлардан. Лекин, бу улуғ фазилатни манманлик, «ўзини кўрсатиб қўйиш», сохта ҳотамтойлик каби иллатлар билан асло тенглаштириб бўлмайди. Дабдабали тўйлар, қимматбаҳо мебеллар, кераксиз сарпо-суруқлар ва тўйдан кейинги «чақириқлар» оила бюджетига зарар келтириб, инқирозга олиб келиши тайин. Энг ачинарлиси, арзимаган латтани деб, қуда-андалар хафалашиб қолишига нима дейсиз? Кундалик турмуш тарзимизда баъзан «Мен келинга бошдан-оёқ хориж кийимларидан сарпо қилган эдим, ўғлимга ўзимизникидан юборишган экан, қайтариб юбордим», «Келин сарполар фақат Туркияники бўлсин дедим» қабилидаги сўзлар қулоғимизга чалиниб қолади. Бу ҳолат не-не орзулар билан бунёд этилган оилани ич-ичидан кемириб, ёшлар бахтига завол, ўзаро меҳр-муҳаббатига раҳна солиши табиий ҳолдир.

Ўзбек хонадонида қиз туғилиши билан унга атаб сеп йиғилишини кўпчилигимиз биламиз. Яхши ният муродга етказади, албатта. Аммо шунинг баробарида, фарзандимиз соғлиғи, келажаги ҳақида кўпроқ қайғурсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Қизимизнинг ризқидан қийиб сеп йиғиш ўрнига, уни мустақил ҳаётга тайёрлаш, керакли касб-ҳунарга ўргатиш, маънавий ва жисмоний соғлом қилиб тарбияласак, бу ҳар қандай моддий бойликдан кўра кўпроқ наф келтириши, шубҳасиз. Негаки, уйи қимматбаҳо жиҳозлар, сандиғи бир умрга етгулик кийим-кечак билан тўлдирилган ёшлар турмушнинг қадрига етмайди.

Яқинда туманимизда донғи кетган тўй қилиб турмуш қурган ёш оила бузиладиган бўлди. Миллионлаб пул сарфлаб тўй қилган қуда-андалар мол-мулк бўлишиш пайтида тўйга кетган ҳар бир сўм харажат устида жанжаллашиб, бир-бирини беаёв ҳақоратлашди. Ҳатто, машҳур хонандага қистирилган пулдан тортиб, дастурхонга тортилган ноз-неъматларгача санаб ўтилди.

Ҳа, бундай нохуш лаҳзаларда инсонга энг аввал маънавий бойлик кераклиги ёдга тушади, миллий қадриятларимиз ва бу борадаги давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг туб моҳиятини англаб етиш зарурияти сезамиз.

Биз, ФҲДЁ ходимлари, кенг омма ўртасида ҳар томонлама соғлом, мустаҳкам оила қуриш борасида турли тарғибот ишларини олиб борамиз. Ана шундай тадбирларда оила мустаҳкамлиги, фарзандлар бахти учун энг керакли нарса юксак маънавият, инсоний фазилатлар эканлигини такрорлашдан чарчамаймиз.Икки ёшнинг тақдирини туташтирувчи тўйларимиз бир умрга ҳақиқий бахт тимсоли бўлиб қолсин деймиз.

Азиза ТОШХОДЖАЕВА,
Зангиота тумани 2-ФҲДЁ
бўлими инспектори.
Феруза ТУРҒУНБОЕВА,
Зангиота тумани 1-ФҲДЁ бўлими инспектори

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)

Газета



Бу йўллар — зафарли йўллардир

«Тошкент — Самарқанд» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган «Афросиёб» тезюрар поезди учун янги йўллар қурилиши давом этмоқда. Илгарилари айланиб юриладиган, тезликни оширишга имкон бермайдиган йўллар ўрнига замонавий, хавфсиз пўлат излар ётқизилаяпти. Унинг бир қисми Ғаллаорол тумани ҳудудидан ҳам ўтган.

— Йўловчиларга эстетик завқ бериши учун йўллар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратдик, — дейди Ғаллаорол темирйўл бекати раҳбари Алишер Тайлоқов.

Бошлиқнинг сўзларини тинглаб, беихтиёр хаёл ўтмиш сари йўл олади...

...1898 йилда бу йўллардан «оқ пошшо»нинг ҳам поезди ўтган. Оташ арава чинқириб гудок чалганда атрофдаги қишлоқлар аҳолиси қўрқиб, эшикларини ичидан тамбалаб олган. «Оташ арава икки марта қичқиргач, ҳамма ерга ётиб калима қайтариб, кўкрагига туфлабди, болалар тум-тарақай қочишибди. Кўпларнинг юраги қинидан чиқиб йиқилибди», деган гапларни эшитардик болалигимизда. Бу поезд ўзи билан босқинчиларни олиб келган, иморатлар қуриб, ўз мақсадларини амалга ошириш учун жойлашган. Бекатларга чор генераллари Милютин, Куропаткин номлари берилган. Маржонбулоқ, Зармитан ҳудудларидан олинган вагон-вагон тупроқ Петербургга жўнатилган...

Тупроғи зар заминимиз кимларга хомталаш бўлмаган... Уни ҳимоя қилмоқчи бўлганларнинг аянчли тақдирига тарих гувоҳ. Мустақиллик шарофати туфайли бу йўллардан «Афросиёб» тезюрар поезди чопаётибди. Ундаги йўловчилар тарихан жуда қисқа даврда Ўзбекистонда оламшумул ўзгаришлар амалга оширилганига имон келтирмоқда! Азим Тошкентдан йўлга чиққан юртимиз меҳмонлари кўҳна ва навқирон Самарқанддаги янгиланишларни кўриб ҳайратга тушмоқда.

Дунёнинг энг замонавий тезюрар поезди ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бўлган Афросиёб номи билан аталади. Унинг ҳар бир сафари қалбимизда эзгу туйғулар уйғотади. У ҳозирда Тошкентдан Самарқандга қатнаяпти, яқин келажакда бошқа манзилларга ҳам йўл олади. Оқ йўл сенга, «Афросиёб». Сафаринг бехатар бўлсин!

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Миннатдорман

Мен Чиноз пахта тозалаш корхонасининг собиқ ходимасиман. 2013 йил 21 февралда ЎзКУФКга ёзма мурожаат қилиб, 1993 йили корхонада жароҳат олиб, касб касаллиги туфайли ногиронлик нафақасига чиққаним, ҳозирда аҳволим оғирлашгани сабабли стационар шароитда даволаниш учун йўлланма олганимни баён қилиб, дори-дармон ва касалхонага кетадиган бошқа харажатлар учун моддий ёрдам сўрагандим.

Аризам Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан кўриб чиқилди. 2013 йил 28 февралда Марказий кенгаш бош юристконсулти Д.Абдуқодиров, вилоят бўйича масъул ташкилотчи Х.Бегматов ва тармоқнинг Чиноз туман кенгаши раиси О.Акбаров корхона раҳбари Ф.Артукметов ва бошқа мутасадди ходимлар билан музокара олиб борди. Натижада корхона томонидан менга 500 минг сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилди.

Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, АСМ ходимлари Марказий кенгаши ва юқорида номи зикр этилган масъул ходимларга миннатдорчилик билдираман.

М.МАМАТҚУЛОВА

— Марказимиз шаҳардаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлигини ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ушбу йўналишда тиббиёт бирлашмаси бўлимларига, 7 та оилавий поликлиника жамоалари ходимларига услубий ёрдам бериш каби ишлар билан шуғулланади.

САЛОМАТЛИК ТАРҒИБОТИ

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Одам савдоси», «ОИТСнинг олдини олинг», «Сен соғлом турмуш тарзини танла!», «Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги», «Соғлом она — соғлом бола», «Тўғри овқатланиш» ва бошқа долзарб мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва уни вояга етказиш учун зарур шароит яратиш, ҳар томонлама жисмоний ва руҳий баркамол авлодни вояга етказишда барча оила аъзолари масъулиятини оширишга йўналтирилган ўқув-машғулотлари ўтказилмоқда.

Ҳамиджон ИБРОҲИМОВ,
Марғилон шаҳар «Саломатлик» маркази раҳбари

Эркинлик шарофати

Пойтахтимиздаги «Наврўз» ошёнида Муборак тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ва ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида турли соҳа мутахассислари, ёш олимлар, талабалар билан бир пиёла чой устида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир тумандаги мавжуд саноат, ишлаб чиқариш, қурилиш-таъмирлаш корхоналари, хусусий фирмаларни ривожлантиришга кенг жамоатчиликни жалб этиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда келажакда амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли лойиҳаларга бағишланди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш иқтисодиётни ривожлантиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди туман ҳокими Панжи Аллақулов. — Яқинда Муборак газни қайта ишлаш заводида газдан пропан-бутан аралашмаси олувчи қурилма ишга туширилди. Замонавий технологиялар асосида қурилаётган корхоналарга ёш мутахассисларни жалб этиб, келгусида уларни замонавий уй-жой билан таъминлашни ҳам мақсад қилганмиз.

— Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасини ўқиганимда, олис қишлоқлардан газ конларига ишга келиб, улкан натижаларга эришган қахрамонларга ҳавас қилгандим. Асардаги шиддатли воқеалар Муборакда кечгандек туюлади, — дейди Турин Политехника университети талабаси Анвар Турдиев. — «Муборакнефтгаз», «Кўкдумалоқгаз» Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатининг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Улар бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Келгусида бу кўрсаткичларнинг янада ошиши учун янги конларни излаб топиб, газни қайта ишлаш заводлари равнақига ўз ҳиссамни қўшишни ният қилганман.

Тадбирда эртамиз эгалари бўлмиш ёшларга катта ишонч билдирилиб, ҳар бир соҳада уларни қўллаб-қувватлаб бориш алоҳида таъкидланди.

Муҳиддин ҚУРБОНОВ

Қўлингизни ўпгим келади

Икки йил бурун набирам Фарангиз шифохонага тушди. Турли ташхислар қўйишди.

Набирасини кўргани шифохонага борган аёлим келиб, деди:

— Муқим дўхтир набирангизни операция қилибди, ошқозонида иллат бор экан, олиб ташлабди, илоё мингга кирсин...

Аёлимнинг дуосига мен ҳам қўшилдим.

— Қўли дард кўрмасин, топгани тўйларга буюрсин...

Орадан ҳафта ўтиб, набирам соғайиб, уйга қайтди. Келиним эса:

— Дўхтир бобо сизга салом айтди, — деди.

Кўз ўнгимдан Муқим аканинг файзли чеҳраси ўтди...

* * *

Акахоним, шоир Йўлдошбек Кенжага қўнғироқ қилдим.

— Эшитдингизми, тоғангиз Муқим ака «Эл-юрт ҳурмати» ордени олибди.

— Ҳа, янгангдан эшитдим, ўзиям орденга муносиб одам. Биласанми, ука, дўхтир бобонинг элимиз соғлиги учун қилган хизматини ҳар қанча тақдирласак, арзийди. Юртбошимизга раҳмат, ишлаган одам албатта қадр топади.

— Акани бир қутлаб келсак, яхши бўларди...

— Мен ҳатто тўрт қатор шеър қоралаб қўйдим.

— Яшанг...

* * *

Ўтган йили дўхтир бирга ўқиган курсдошлари билан учрашувга, пойтахтга борди. Шунда дўстларидан бири:

— Муқим, сендаги билим ва қобилият менда бўлганда, аллақачон фан доктори бўлардим, — дебди.

Муқим ака ҳам бўш келмабди:

— Биласанми, ошна, «Қамашининг профессори»ман. Менга шуниси ҳам етади.

Унинг мақтанишга, фахрланишга тўла ҳаққи бор. Ахир нажоткор қўлларнинг шарофати туфайли ўттиз мингдан ортиқ бемор ҳаётга, уйига, оиласи бағрига қайтган. Яна Муқим Ўроқов ўзидек моҳир ва ҳалол шогирдлар етиштирди. Бугун улар эл хизматида.

* * *

Дарвоқе, Қамаши туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими мудири Муқим Ўроқовдаги билим ва малака, қўлларнинг сеҳри ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Буларнинг замирида уйқусиз тунлардаги ўқиб-ўрганиш, устозларнинг ўгитлари, сон-саноқсиз амалиётлар турибди.

— Маҳкам момом моҳир табиб эди, адирлардан ўт-ўлан, гиёҳлар териб дори тайёрларди. Момомдаги хислатлар балки менга ўтгандир, — деганди бир суҳбатда қаҳрамонимиз.

Бу сўзларнинг қаторига шижоат, матонат, илму урфонга иштиёқ ва муҳаббатни қўшсак, бир чаман бўлади. Моҳир жарроҳда буларнинг бари мавжуд. Ундаги фазилатлар ҳақида илгари ҳам кўп гаплар айтилган.

* * *

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрат билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлгани учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени олгани билан бу фидойи инсонни табриклар эканман, унинг қўлида шифо топган беморлардан бири ёзган самимий мисралар ёдимга тушди:

Сизни дуо қилиб, эрта-кеч,
Қўлингизни ўпгим келади.

Ўролбой ҚОБИЛ

Ва газетхон

Урганч туманидаги «Жавоҳир Вафо» хусусий корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотлар турини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ПЛАСТИК ПАРДАЛАР ЭЛГА МАНЗУР

Ёш тадбиркор Зафар Вафоевнинг саъй-ҳаракати билан бу ерда «Акфа пласт» маркали 3-4 хил турдаги пластик ром ва эшик, темир эшик ва сейфлар ишлаб чиқарилаяпти.

— 2007 йилда «Микрокредитбанк»нинг Қоравул филиалидан 10 млн. сўм миқдорида кредит олиб иш бошлаганмиз, — дейди корхона раҳбари. — Эндиликда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида яна 25 млн. сўм миқдорида кредит олишга эришдик.


Ҳозирда замонавий технологияларни ўзлаштирган 6 нафар ишчи томонидан тайёрланган маҳсулотлар харидоргир бўлмоқда.

Шунингдек, корхона қошида парда тикиш цехи ҳам фаолият юритаяпти. Тошкентнинг «Декар импекс» қўшма корхонасидан келтирилган хомашё асосида тайёрланган 6 хил турдаги пластик пардалар мижозларнинг нозик дидига мослаб тикиб берилмоқда.

Келажакда корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, яна 15 та иш ўрни очиш режалаштирилмоқда.

Ўғилжон РАҲИМОВА


400 ёшли дарахт



Экологлар Янгиариқ тумани Гулобод қишлоғидаги баҳайбат тут дарахтининг ёшини ана шу рақамга тенг деб белгиладилар. Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кўрсатмаси асосида ёши 100 ва ундан зиёд бўлган дарахтларга табиат ёдгорлиги мақомини бериш ва уларни муҳофаза қилишни йўлга қўйиш мақсадида ўтказилган текширишларда аниқланди. Умуман, кузатишлар жараёнида вилоятимиз бўйича ёши 100 ва ундан зиёд бўлган 103 та дарахт мавжудлигини кўрсатди. Эндиликда ана шу ноёб дарахтларни авайлаб-асраш, муҳофаза қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Назокат ЁҚУБОВА,
УрДУ табиатшунослик факултети талабаси

Баҳорда Зарбдор туманидаги Тоғайтепа қишлоғи кенгликлари ва Наврўз канали қирғоқлари гўзалликка бурканади. Жанубдан келаётган қушларнинг беҳисоб галаси кўкни қоплайди. Уларнинг сайроғи кўнгилларни яйратади. Айниқса, йўрға тувалоқ бўйнидаги узун оқ патлари билан бошқаларидан ажралиб туради. Йўрға тувалоқнинг уч панжали оёқлари узун бўлади. У илон изи шаклида тез югуради. Бу эса душманларига чап бериб, ҳаётига дахл қилувчи хавф-хатарлардан ҳимояланишида қўл келади. Кўриниши ер рангида бўлганлигидан унчалик кўзга ташланавермайди. Улар чўл ва саҳролардаги овлоқ гўшаларни макон қилиши билан ҳам ажралиб туради.



Йўрға тувалоқ

Бепаён дашт бўйлаб ҳаракатланарканмиз кутилмаганда шундоққина ёнимиздан йўрға тувалоқ чиқиб қолди ва бир пасда кўздан ғойиб бўлди. Унинг сал наридаги буталар тагидаги хас-чўплардан иборат уяси аранг кўзга ташланарди. Уяда бир жуфт тухум ётарди. Тухумлар ҳам онасига тортган, ер ранг хол-хол тусли доғлар душманидан ҳимояланиш имконини беради.

Йўрға тувалоқ ташвиши тухум қўйган кундан бошланади. Модаси тухум босиб ётганида нари жуфти учун ҳам «ов» қилади. Улар ковул мевалари, шувоқ поялари, калтакесак ва турли ҳашаротлар билан озиқланишади. Жуфт-жуфт бўлиб, уя қуришади.

Орадан бир-икки кун ўтиб, ҳалиги жойга келганимизда тухум пўчоқлари ётар, қуш болалари эса кўринмасди. Ота-оналари эса қичқиришиб, ҳавода бесаранжом учишарди. Биз болаларининг шу яқин атрофда эканлигини англаб, йиртқич қуш ва илонларга осон ўлжа бўлиши мумкинлигидан хавотирга туша бошладик. Ҳар бир бута, чуқурча ва дўнгликларни қанчалар ахтармайлик, уринишларимиз беҳуда кетди. Кейин баландроқ тепаликка чиқиб, воқеа нима билан якунланишини сабрсизлик билан кута бошладик. Ҳеч вақт ўтмай ота-оналари уч-тўрт одим нарида биқиниб ётган болалари ёнига учиб келишди. Пар-момиқ билан қопланган палапонлари улар томон югуришди. Яқиндагина тухумдан чиққан палапонларнинг хатти-ҳаракатлари бизни ҳайратга солди. Улар дам кўкка олазарак боқишар, дам буталар тагига бекинмоқчи бўлишарди.

Йўрға тувалоқлар болаларини асраб қолиш ва келажак насли учун жонини фидо қилишдан ҳам тоймас, зийраклигини бир дам ҳам бўшаштирмасди. Лекин биз томон қўриқчи-посбон Маматқул амакининг яқинлашаётганида уларнинг шовқин-сурони тинчиб қолди. Назаримизда, энди улар ортиқча ташвиш чекмаётгандек туюлди.

— Ўлкамиз соғлом табиатга бой, — дейди Жиззах вилояти овчилар ва балиқчилар жамияти раиси Маматқул Жуманов. — «Қизил китоб»га киритилган йўрға тувалоқлар тухуми махсус хоналарда сақланиб, инкубация орқали ҳам кўпайтирилади. Жўжалар мустақил яшашга тайёр бўлгач, табиатга қўйиб юборилади.

Ғоят завқли ва таассуротларга бой бўлган саёҳатимиз яна бир неча кунга чўзилди. Шунда бу беозор палапонларнинг дастлабки кунлари тана ҳарорати доимий бўлмай, атрофдаги муҳитга қараб тез ўзгариши ва мослаша бошлаганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳафта ва ойлар ўтиб вояга етгач, жуссаси катталари билан тенглашади. Мустақил яшай бошлагач, уларнинг ота-оналари учун маълум муддат синов даври тугайди. Озуқа тақчиллиги сезилмайди.

Йўрға тувалоқларнинг айримлари ўлкамизда қишлаш учун қолиб, мослашиб кетганлиги қувонарли ҳолдир.

Абдулла САИДОВ

Эндиги мижоз анойи эмас...

Мустақиллигимиз шарофати ила биринчи навбатда ҳур ва эркин фикрлашга эришдик. Образли қилиб айтганда, «тўрт девор қамоғи»дан озод бўлган халқимиз энди истаганча улуғ орзуларга берилиш, режалар тузиш, таққослаш ва ўзига мақбулини танлаб олиш каби чексиз имконият ҳамда имтиёзларга эга. «Оғзинг қани?», деса қулоғини кўрсатадиган замонлар ўтиб кетганига анча бўлди. Энди етуклар у ёқда турсин, соддагина мижозларни ҳам алдаш, ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш қийин...

Хўш, мижоз деганлари ким? Лўнда қилиб айтганда, барча соҳаларнинг истеъмолчилари, харидорлар ҳамда жамики мутахассисларга мурожаат этувчиларни «мижоз» дейиш одат тусига кириб бормоқда. Шунинг баробарида ҳаётимизнинг барча тармоқларида рақобат деган тушунча пайдо бўлди.

Бусиз ривожланиш, тараққий топиш мумкин эмас. Қадимда соҳалар ва мутахассисликлар чекланган, саноқли бўлгани туфайли танлаш имконияти йўқ эди, борига шукр айлаб яшайверардик. Энди эса ўнни кўриб, мақбулини танлаш имконияти мавжуд. Рақобатнинг фазилатларидан яна бири шуки, табиий равишда сифат кўтарилиб, нарх-наво пасайиб боради, хизмат кўрсатиш даражаси бетўхтов яхшиланаверади. Обрў-эътибор қозониш, фаровон ҳаётга эришишнинг бундан ўзга чораси йўқ. Бунга оддий бир мисол тариқасида саломатлик оламига бир назар ташлаш кифоя...

Қадимда Бўстонлиқ туманида қулоқ-бурун-томоқ, яъни лор шифокори яккаю ягона эди. Истаймизми-йўқми, фақат шу одамга мурожаат этишга мажбур бўлардик. Агар бирон сабаб билан у ишга келмай қолса, қай манзилда яшашимиздан қатъи назар, уйимизга қайтиб кетаверардик. Энди-чи?..

Ғазалкент шаҳар поликлиникасидаги бир қулоқ шифокорига мурожаат этдик. Эрталаб бўлишига қарамай, қабулга талабгорлар йўқ эди. Врач қулоқларни текшириб кўргач:

— Бундан буёғига борига шукр қилиб яшайверасиз-да, — деди жилмайиб.

— Бора-бора эшитмай қоламанми, — сўрадим ташвишланиб.

— Нечадасиз?

— Етмишдан ошдим.

— Энди, оқсоқол, ҳақингиз ҳам қолмабди-ку, ҳар хил ёмон гаплар, ғийбату бўҳтонлардан холи бўласиз, эвазига умрингиз узаяди, — деди у хандон отиб.

Тарвузим кўлтиғимдан тушиб қайтаётган эдим, бир танишим учраб қолди. Воқеани унга айта бошлаган эдим, гапимни шартта кесди:

— Яхшиси, болалар поликлиникасида ишлайдиган Рустамжонга учраш, мен доим шу йигит қабулига бораман.

Аммо, қай кўз билан кўрайки, бу шифокор қабулига мижозлар тирбанд эди. Навбатим етиб, врач қабулига кирдим. Биринчи саволим ташвишли эди: «Дўхтир, эшитиш қобилиятим наҳотки тикланмаса?» Қулоқ, бурун, томоқларимни обдан синчиклаб текшириб чиққач, Рустамжон менга жиддий тикилди:

— Бу гапни сизга ким айтди?

— Ёш ўтинқирагач, шундай бўлса керак, деб ўзим ўйлаяпман-да...

— Ёмон томонларни ўйлайверсангиз, билмадим... Аммо ишонч, интилиш, яхши ният билан умидвор бўлиб яшасангиз, эшитиш қобилиятингизни албатта тиклаймиз!..

Хуллас, икковлон бир бўлиб, даволанишни бошладик. Врачнинг топшириқларини мукаммал адо айлаб, тайинланган кезда қабулида ҳозир бўлдим. Бир ойга бормай, эшитиш қобилиятим яхши томонга кескин ўзгарди. Энг муҳими, жонкуяр ва тажрибали бу шифокордан ишонч деган улуғ неъматни топдим ҳамда яқиндан танишдик. Рустамнинг отаси Иброҳим Муҳаммадиев Тошкент тиббиёт олийгоҳини битиргач, ўзи туғилиб ўсган Бухоро шаҳрида моҳир жарроҳ сифатида обрў-этибор қозонгач, фарзандлари ҳам шифокорлик касбини танлайдилар.

— Шифокорлик шарафли касб бўлиши баробарида масъулияти ҳам жудда катта ва оғир, — фарзандларига қайта-қайта тайинларди ота. — Аввало ниҳоятда камтар ва хушмуомала бўласизлар. Ҳар қандай инжиқ беморга ҳам овоз кўтариш, қаттиқ гапиришга шифокорнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Қолаверса, интизом, интизом ва яна интизомга қатъий амал қилиш шарт! Шундагина ҳеч қачон кам бўлмайсиз, отларингиз қоқилмайди.

Ота насиҳатини қулоққа маҳкам жо айлаган фарзандлар, хусусан тўнғич ўғли Рустам Муҳаммадиев мижозлар ишончи ва меҳрини қозониб, қадамба-қадам эл ардоғига эришиб бормоқда. Зеро, мустақиллик даври одамлари анойи эмас. Буни биринчи навбатда ёшларимиз яхшилаб уқиб олмоқлари лозим.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)



Бировнинг узуги

Назира одатдагидек барвақт уйғониб, нонушта тайёрлаш учун ошхонага ўтди. Уйга ярим тунда келган Салим ҳам ортидан чиқди.

— Бирпас ухлайвермабсиз-да, ҳали жуда эрта, — деди Назира.

— Иш кўп, — ғўнғиллади эри.

— Бугун менинг ҳам тадбирим бор эди, шунга...

— Узук қани? — сўради Салим Назиранинг гапига эътибор бермай. — Обке...

Назиранинг эсига ўтган куни эри олиб келган никоҳ узуги тушди. 12 та майда, ялтироқ тошчалари бор, қалингина тилла узук Назирага жуда ёқди. Эрининг синчалоқ бармоғида кўрганидаёқ кўзлари чақнаб кетди. Эркаланиб, «ечинг-чи» дегандек ҳимо қилди. Эри индамай узукни узатди. Назиранинг оппоқ, узун бармоғига узук шундай ярашдики, қўяверасиз.

Кўз тегмасин, кейинги пайтларда Салимнинг топиш-тутиши анча яхши. Аммо уйга жуда кеч, баъзан тонгга яқин қайтади. Бу ҳолатга «ишламасанг, биров бир танга берармиди», дея изоҳ беради. Бундан жувоннинг дили оғрийди. Ичида рашкми, гумонми, нимадир ғимирлайди. Саккиз соатлик давлат иши, ўта талабчан раҳбар инжиқликлари, рўзғор билан андармон бўлиб, ўзини овутади.

Назира обрўли идорада ходима. Бозор-ўчар, болалар ташвиши — унинг бўйнида. Эрига ортиқча юк ташламайди. Кам-кўстга ҳам ўзи балогардон. «Биттагина уй олиб берса, бўлди», деган умиди бор.

Салим хотинига ҳеч қачон қимматли совға олиб келмаган. Ҳатто тўйда никоҳ узуги олишга қўли калталик қилган. Тўй куни тақиб туриш учун сўраганида кичкина опаси: «Никоҳ узугисиз ҳам эрга тегарканми?» деб жеркиб ташлаганди. Кўзида ғилт-ғилт ёш, бўғзидаги аччиқ нарсадан нафас олишга қийналаётганини кўрган катта опаси қўлидаги узугини ечиб берганди. Куёви тушмагур ўшанда: «Кейин зўридан олиб бераман», деганди. Балки, ўша ваъда қилинган «кейин» келдимикан, деб ўйлаган жувон Салимдан садо чиқмаганидан ҳадиксираб, узукни ечиб, биллур қадаҳнинг ичига солиб қўйганди. Яна бир марта бармоғига тақиб кўриб, узукка тикилганча эридан сўради:

— Кимники?

— Э, қўйсанг-чи, биттаси қарзининг ўрнига ташлаб кетувди, — Салимнинг овози жуда совуқ чиқди.

— Билувдим, менга эмаслигини, — Назира узукни столнинг устига қўйди. Салим хотинига қаради. Қуралай кўзлар ёшга тўлган, узун киприклар яна бир очилиб ёпилса, гавҳардек ёшлар тўкилиши аниқ.

— Майли, пулни эртага олиб келади, бугунча тадбирингга тақа қол, — деди Салим.

* * *

Ишини базўр поёнига етказган Назира дераза рахига суяб қўйилган кўзгуга қаради. Ахир, шунча одам тўпланган, катта томоша залида кўпнинг олдига чиқади, тадбирда бошловчилик қиладия! Уй сотиб олаётганимизда асқотади, деган ниятда яхши кийиш, ҳатто ейиш-ичишдан тежаганига тилла йиғиш одати бўлган Назира шу куни бисотидаги бор тақинчоқларини тақиб олган, ҳатто эрталабки, омонат никоҳ узуги ҳам бармоғида ярақлаб турарди. Бойвучча хонимлардек тиллага беланиб, кўзгудан маъноли боқиб турган камон қошли жувондан кўнгли тўлган Назира эшикдан отилиб чиқди.

* * *

Йўлакдан шошиб кетаётган Назирага бир йигит туртиниб кетди. Буни кутмаган жувон ортига тисарилди.

— Кеннойи, мана бу сизникими? — сўради энгашиб, ердан нимадир олган дароз йигит.

— Йўқ, — деди шошиб Назира, кейин йигитнинг қўлига қаради. — Нима экан?

— Пул, доллар экан, анчагина шекилли.

Назиранинг хаёлидан «вой масза, шунча пул топиб олди, бахти бор экан», деган фикр ўтди.

— Йўқ, меники эмас, сиз топдингиз-ку, энди сизники-да.

Йигит ортда қолди. Аёл яна шитоб билан одимлади. Беш-олти қадам юрар-юрмас, бояги йигит етиб келиб билагидан тутди.

— Кеннойи, кечирасиз, юринг, бир четга ўтиб пулларни санаб кўрайлик, йигирма фоизини сизга бераман.

— Мен жуда шошяпман, ўзингиз санайверинг, — дея йўлида давом этди Назира.

— Йўқ, ундай эмас, пул топганимни сиз кўрдингиз, кимгадир айтмаслигингизга ишонч ҳосил қилишим керак, илтимос, юринг, — йигит яна билагини ушлади.

— Э, қўйворинг, пулингиз билан нима ишим бор, — силтанди Назира. Бу орада иккита кўп қаватли уй орасига етиб қолдилар. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, атрофда зоғ кўринмасди.

Шу вақтда ғўладек йигит уларнинг олдига келиб:

— Кечирасизлар, йўлда пул топиб олмадиларингми? Кеча Россиядан келувдим, ишлаган пулим ёнимда эди, тушириб қўйибман шекилли, икки минг доллар эди, — деди.

Аёл «мана бу йигит топиб олдилар», дейиш учун оғиз жуфтлаган эди, дароз йигит билагини шунчалар қаттиқ сиқдики, оғриқнинг зўридан инграб юборди. Бу орада ҳалиги пул йўқотган семиз талмовсираб, дароз-нинг «йўқ»ини эшитар-эшитмас кўздан йўқолди. «Тавба, пулини йўқотган одамга ўхшамайди. Ўзи шунча пулни нега ёнида олиб юрибдийкин? Бу дароз ёмон йигит шекилли...». Назиранинг мияси чархпалакдек айланарди.

— Кеннойижон, — деди дароз ҳовлиқиб. — Анави семиз мендан гумонсиради шекилли, ёмон қаради. Сиз аёл кишисиз, сумкангизни текширмайди.

Аёлнинг бўғзидан гапи чиқиб улгурмасдан, худди осмондан тушгандек семиз йигит яна ёнларида пайдо бўлди.

— Анави пистафуруш аёл сиздан кейин бу йўлдан фақат шулар ўтди, деди. Ростини айтинглар, суюнчисини бераман.

Назира шаҳд билан дарозга қаради: «Бировнинг пулини нима қиласиз, барибир буюрмайди, беринг-да, энди», деганини билади, юзига тарсаки келиб тушди, димоғини нимадир ачитди...

Олис-олисдан: «Бўл, нарсаларини тезроқ еч, бу билан лақиллаб ўтирамизми, ёлғонга ишонмайдиганлардан шекилли», деган овоз қулоғига чалинди.

Жувон ўзига келганида кўп қаватли уйнинг ёнидаги ўриндиқда ўтирар, қулоғи зирқираб оғрирди. Шошиб аввал биринчи, кейин иккинчи қулоғини пайпаслади. Зираклари йўқ, биттасидан қон оқиб турибди, бармоқларига қаради: учта узукдан бирови ҳам кўринмайди, бўйни ҳам бўм-бўш... Аёл изиллаб йиғлаб юборди. Ҳали ҳануз «дом»нинг олдида ҳеч ким кўринмайди. У соат неча бўлганини аниқлашга уринди. Офтоб анча тик келиб қолганига қараганда, бу ерда кўп қолиб кетганга ўхшайди. Пиқ-пиқ йиғлаб, ишхонаси томон кета бошлади.

Базўр оёғини судраб хонасига кирди-ю, бақириб йиғлаб юборди. Унинг овозини эшитган Муқаддас эшикни секин очди. Дугонасининг аҳволини кўриб ваҳимага тушди.

— Нима қилди, тадбирга бордингми?

Назира фақат изиллаб йиғлар, гапиришга ҳоли йўқ.

— Нега юзинг қон, ё сени биров... гапирсанг-чи, ахир... Мен ҳозир.

Бир неча дақиқа ўтгач, дугонаси қўлида сув ва дори билан кириб келди. Дорини ютган Назиранинг юзига пиёлада қолган сувни сепиб юборди.

— Мелисага бормадингми? Э, нимаям қилиб берарди, ўша мелисалар. Сенга, яхшиси, битта манзил бераман, ўша ёққа бор. У йўқолган нарсаларни қаердан топишни айтади. Зора сени тиллаларинг ҳам топилиб қолса, — деди Муқаддас дугонасининг ҳайратини эшитгандан кейин.

* * *

Эртаси ишдан кейин фолга ишонмайдиган Назира дугонасидан олган манзилни излаб кетди. Бора-боргунча кечаги воқеалар хаёлидан ўтиб, ёноқлари қуримади.

Дугонаси айтганидек, бекатнинг орқасидаги қия очиқ турган кўк дарвозадан секин мўралади. Кун ботиб бораётганига қарамай, дарвозахонага қўйилган ўриндиқларда қалдирғочдек тизилган беш-олти чоғли аёллар ўзаро гаплашиб ўтиришарди. У эшитилар-эшитилмас, салом бериб, ўриндиқнинг четига қўнди.

— Вой, Назира, — жувон кўққисдан исмини эшитиб, бошини кўтарди. Рўпарасида дугонаси Барнонинг қўшниси, қошларини Қимматникидек бўяб юрадиган, юзидаги упаси кўплигидан қор маликасидек совуқ, пак-пакана Гулсара турарди.

— Бунақа жойда юрмасдингиз, тинчликми?

Назира шаҳарда бировнинг эрини ўзиники қилиб олган, қишлоқдошлари учун ўзини ёши сал ўтинқираб қолган, мушфиққина қиз қилиб кўрсатадиган Гулсарани умуман ёқтирмасди. Фақат дугонаси Барно билан бирга бўлганидагина салом-алик қиларди, холос. Айтгандай, Барно билан ишхонасига иш сўраб келишганда, фирмага жойлашишига ёрдам берганди.

— Сўраманг... бошимга бир иш тушиб, келувдим, — дарди янги, юраги тўлиб турган эмасми, Гулсарани ҳурмат қилмаса ҳам бўлган воқеаларни қисқача сўзлаб берди. Айниқса, бировники бўлган никоҳ узугига ичи ачиётганини алоҳида таъкидлади.

— Вой, ўлай... Эрингиз яқинда балнисада ётиб чиқдими? Пулмонологияда? Исми Салимми? Ширкатда ишлайдими? Бўйи баланд, мўйловлими?

Саволларига «ҳа» жавобини олган Гулсара секин келиб Назиранинг ёнига ўтирди. Титраб турган қўлини ҳамдардона ушлади.

— Вой, ўлақолай, сизга шундай ачиниб кетяпманки! Билсангиз, эрингиз юряпти. Никоҳ узугини аслида дугонамга олган экан, кичкина келиб, алмаштириб бераман, деган экан.

— Нима деяпсиз? Қанақа дугонангиз? Тушунтириброқ гапиринг! — Худди ваража тутгандек жувоннинг бутун баданига қалтироқ кирди.

— Тиллаларингизни олдириб қўйганингизни Салим айтган экан. Никоҳ узуги учун узр сўраган-да.

— Нималар деяпсиз. Менинг хўжайиним... айтмоқчисизки... ким у...

— Эрингиз уйга кеч келса ҳам индамаскансиз, юриш-туриши билан ишингиз ҳам йўқ экан. Сизни «домработницам» деркан. Лекин Салим жуда танти-да, дугонамга шунақа қимматбаҳо совғалар берадики... Бир-икки марта бизни ресторанда меҳмон қилди, ўзини бойваччадек тутди. Дугонамга: «Туннинг биринчи ярмида сеникида дам оламан... ҳамма нарсанинг энг зўри сеники...» дермиш

— Бас қилинг... — жувоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. — Гапирманг. Фақат кимлигини айтинг.

— Номи қиз. Тумандан. Бирга ишлайди, шекилли. Унга ёшинг ўтяпти, биронтасидан туғиб ол, десам, эрингизга ишора қилди. Айтгандай, сиз ижарада турасиз-а?

— Кимлигини айтинг, илтимос, — Назиранинг овози қудуқдан эшитилгандай бўлди.

— Сизни ҳурмат қиламан. Менга иш топиб бериб, яхшилик қилгансиз. Шу ишим орқали бир хонали уйим икки хона бўлди. Сизга яхшилик қиламан. Эрингиз сизга умуман арзимаслигини, бетайинлигини Барно кўп гапиради. Кимлигини айтолмайман-у, лекин дугонамга гўзал ва обрўли, иродали аёл эканингизни айтаман. Дугонам бўлса ҳам айтай, у сизнинг олдингизда хамиртурушдек, сап-сариқ, кўзи мов мушукникига ўхшайди. Мен унга, Салим билан алоқани уз, шундай аёлни қийнаганинг учун гуноҳга ботасан, дейман. Эримнинг ўйнашини топдим, уни йўлимдан олиб ташладим, деб ҳисоблайверинг.

— Балки адашаётгандирсиз... Салим ака... бўлиши мумкин эмас, — деди Назира умид отлиқ чўғга сўнгги кучи билан ўтин қалаб.


— Аниғи шу! Балнисада ётганда бирга борувдик, телефон қилувди. Сиз ўша ерда экансиз, бироз кўчада кутиб турдик. Кейин кирдик, манти қилиб келган экансиз, Салим бизни меҳмон қилди, мазза қилиб едик...

Рост, рост ахир. Пулмонологияда ётгани ҳам, манти қилиб боргани ҳам, ўша куни эри уни тез-тез уйга кетишга ундагани ҳам, уйга кеч келиши ҳам, никоҳ узуги ҳам...

Назиранинг боши биров тинмай гурзи билан ураётган темирчининг босқони каби қизиб борарди. Икки чети улкан дарахтлар билан қопланган йўлакда ҳар бирига тўртта ботмон тош осилган оёқларини базўр судраб бораётган аёлнинг юраги бўм-бўш. Кечагина нур сочган дунё ҳам хароб кўринади. Борлиқни чанг босган, осмон хира тортган, одамлар толиққан, юзларда меҳр, кўзларда нур йўқ. Аёлнинг асраб юрган ишонч отлиқ шодаси узилиб гавҳарлари лойга қоришиб борарди. У нима қилди, топдими, йўқотдими? Билмайди, билмайди...

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА


Тошкент — Термиз катта йўли бўйлаб борар экансиз, тўрт томони тоғлар билан ўралган Дарбанд қишлоғига етганда машҳур темир дарвоза қаршингизда намоён бўлади. Ватанимиз тарихи ва маданиятида муҳим ўрин эгаллаган, жаҳон тамаддунининг ривожига улкан ҳисса қўшган ҳудуддаман деяверинг ўзингизни. Кишилик жамиятининг илк шаклланиш босқичида Бойсун тоғидаги Тешиктош ва Мачайғор маконлари, Заравутсойдаги қоятошларга битилган тасвирий санъат намуналари минтақанинг қадим салоҳиятидан дарак беради.





Тамаддунимиз бешиги

Сурхонда Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарлари бунёд этилган. Дарбанд қишлоғидаги темир дарвозадан ўтиб Шеробод туманига етгач, ўнгга юрсангиз, юртимиз давлатчилик тарихининг 3500 йиллик даврини ўз ичига олган чамаси 100 гектар ерни эгаллаган Жарқўтон шаҳри қолдиқларига дуч келасиз. Бугун сувсиз тўқайзорга айланган Шеробод дарёси бўйида жойлашган Жарқўтон харобаларида кейинги 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги археология институти олимлари қазишма ишлари олиб бормоқда.

— «Арки аъло» ва «Шаҳристон»дан иборат Жарқўтон ёдгорлигида қадимий шаҳарга хос бўлган барча тафсилотлар, жумладан, аҳоли истиқомат қилган бир неча уйлар, ҳунармандлар марказлари, шаҳар ҳокимлигининг муҳташам биноси, оташпарастлар ибодатхонаси, металл эритиш, меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш корхоналари, пахта ва ипак маҳсулотлари хом ашёсига асосланган осори-атиқалар топилди, — дейди қадимшунос олим Баҳодир Турғунов. — Бу Жарқўтон нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Шарқ минтақасидаги энг қадимий йирик ва мукаммал шаҳарлардан бири эканини англатади. Шу тумандан топилган 100-40 минг йиллик тарихга эга Тешиктош ғоридаги 3000 дан ортиқ тошқуроллар, саккиз-тўққиз ёшлардаги неандертал боланинг суяк қолдиқлари, Заравутсой қоятошларида битилган суяклар ўлка довруғини дунёга ёйди. Заравутсой қоятошларига қизил бўёқларда ишланган ов маросимини тасвирловчи 200 га яқин сурат Марказий Осиё тасвирий санъатининг илк намунаси ҳисобланади.









ТЕРМИЗ — ЖАНУБ ГАВҲАРИ

Қадимда Окс, ўрта асрларда Жайҳун деб ном олган Амударё қирғоғида жойлашган замонавий Термизга эски шаҳар харобалари оралаб кирилади. Нураган қалъа, истеҳком ва обидалардан лол қоласиз. Салкам 500 гектар ерни эгаллаган шаҳар минг йиллик тарихни ўз бағрида яшириб ётибди. Не бахтки, Термиз мустақиллик йилларида навқирон қиёфа касб этиб, файзли гўшага айланди.

Термизнинг бугунги иқболига муҳтарам Президентимизнинг 1991 йил охирида Термиз шаҳрига қилган сафарлари чоғида тамал тоши қўйилган эди. Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари Термизнинг бой тарихи, жаҳон тамаддунидаги муносиб ўрнига холисона баҳо бериб, шаҳар меъморчилигини ислоҳ қилиш, қурилиш, саноат, тадбиркорлик кўламини кенгайтириш ҳақида қимматли фикрларни айтганди.

Оталарча ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш ўз натижасини берди. Термиз шаҳри одамлар кўз ўнгида қайта чирой очди. Инвестиция лойиҳалари кириб келди, қўшма корхоналар очилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги, шунингдек, «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам шаҳар бунёдкорлигида беқиёс аҳамият касб этди.

ТАРИХ ШОҲИДЛАРИ

2002 йилнинг апрелидан фаолиятини бошлаган археология музейи Ўрта Осиёдаги энг йирик маданият масканларидан ҳисобланади. Ҳозирда музей нафақат маҳаллий, балки дунё қадимшунослари учун ҳам ноёб дарсхонага айланди.

— Термиз археология музейи кишилик тарихи ва маданиятини ўзида жамлаган Парижнинг Луври, Санкт-Петербургнинг Эрмитажи даражасидаги бебаҳо қомус, — деган эди Япониянинг Соко университети профессори Кюдзо Като. — Бу даргоҳ зиёрат қилганлар кўнглида ўзбек халқи ўтмишининг буюклигига шубҳа қолдирмайди. Халқнинг бугунига, келажагига қизиқиши ортади. Бу эса барча маданий, иқтисодий алоқаларнинг асосидир. Термиз табаррук ва муқаддас замин. Тарихда турли қарашлар, дин ва мазҳабларни муросада тутган, жаҳонгир, фотиҳларга сулҳ йўлларини очган, адолат ва тотувликни шарафлай билган маскан. Жаҳон шаҳарсозлик маданияти ўчоқларидан бири. Мен, шу юлдузи чарақлаб турган шаҳарнинг фахрий фуқароси бўлганимдан фахрланаман.

Сўнгги йилларда Термизда юздан ортиқ тарихий обидалар рўйхатга олинди. Ислом оламидаги 96 шайхнинг бири Ал-Ҳаким Ат-Термизий, шунингдек, 40 га яқин Термизий алломалар ҳаёти ва ижоди ўрганилди, улар ҳоки пойи обод зиёратгоҳларга айлантирилди.

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

«Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси очилиши муносабати билан 2007 йил 24 августда Сурхон воҳасига қилган ташрифи чоғида Президентимиз Термиз давлат университетини замон талаблари асосида қуриш лозимлигини таъкидлаган эди. Натижада 2009 йил сентябр ойида университетнинг янги бош биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида давлатимиз раҳбари ажиб меъморчилик услубида қурилган ТерДУ янги биноси рамзий калитини ёшларга топшириб, уларни янги марраларни забт этишга чорлади. Бугун Сурхон ёшлари барча қулайликга эга, замонавий жиҳозлар билан таъминланган хоналарда таълим олишмоқда. Университет ёш ўқитувчиси Аҳмаджон Рўзиқулов Президентимиз маслаҳати асосида Сурхон воҳаси археологияси ва этнографияси веб порталини яратди. Шаҳарда қатор коллеж ва лицейлар, спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бобур номи билан аталувчи истироҳат боғи таъмирланди. Янгидан ташкил этилган «Болажон», «Алпомиш» боғлари шаҳар кўркига кўрк қўшди. Ёш оилалар учун турар-жой бинолари, ўнлаб меҳмонхоналар қурилди ва энг муҳими, бунёдкорлик ишлар давом эттириляпти.



2010 йил шаҳарнинг 5-кичик даҳасида жойлашган Термиз олимпия захиралари коллежи ёнида 10000 кишилик ўйингоҳ қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўша йилиёқ, «Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Фақат бу эмас, шаҳар ўртасида замонавий ёшлар мажмуаси — Бахт уйи ҳам қад ростлади.

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ...

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ишлаб чиқариш, хориж сармояларини жалб қилиш, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, корхоналарни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар саноатда тайёр маҳсулот улуши ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш имкониятини яратмоқда.

Ҳозирда воҳа пиллакорлари етиштирган пилла Термизнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. Хитой технологияси билан жиҳозланган «Сурхон — Термиз — Силк» корхонаси ўз қувватини ошириб, воҳадаги жами пилла хом ашёсини ярим тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига чиқараяпти. Улар марғилонлик ҳамкасблари ёрдамида бу ерда адрас, ипак гиламлар тайёрлашмоқда. «Shindong spinnging Termez LLC» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида 400 дан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилишаяпти. «Термиз сут» МЧЖ раиси Шавкат Эламонов эса сутни полиэтилен пакетда қадоқлаш линиясини корхонага ўрнатди. Бундан ташқари, музқаймоқ, яхна ичимлик суви, нон ёпадиган цехлар очиб, 30 га яқин ёшларни иш ўринлари билан таъминлади. Яна бир тадбиркор Баҳодир Тошбоев Термиз ҳайвонот боғининг довруғини қайтадан тикламоқда.

Орадан бир неча йил ўтиб, Амударё соҳилидаги бу шаҳар янада кўркам ва салобатли кўринишга эга бўлишига шубҳа йўқ. Чунки бу ерда ташаббускор ва омилкор, энг муҳими, юртини жон-дилдан севадиган одамлар яшайди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)

Жўра ФОЗИЛ



Гулсиз хаёллар

Ҳикоя

Маҳкам ҳар баҳорда чаппар уриб очилган турфа дарахтлар гулларига маҳлиё бўлар экан, уларнинг қай бири чиройли экани ҳақида бир қарорга келолмасди.Ростдан ҳам, нимпушти шафтоли гули чиройлими, ёинки, қишда ёққан паға-паға лайлак қорга монанд гилос гуллари зебороқми? Ёхуд капалакка ўхшаб кетадиган олма ва беҳи гуллари афзалроқмикан? Ва Маҳбуба билан ораларига тушган совуқчиликда ким айбдор, ўзими, Маҳбубами, буни ҳам билолмасди.

Мана, яна ўша азалий савол Маҳкамни қийнай бошлади. Шафтоли гули чиройлими ёинки гилос? Ўзи ҳақми ёки Маҳбуба?

Маҳкам зўр бериб Маҳбуба билан бўлажак учрашув ҳақида ўйларди. Йўқ, улар учрашишга келишишмаган, лекин шу баҳор албатта учрашишларини Маҳкамнинг кўнгли сезиб турарди.

Ниҳоят, ўша кун келди. Улар довдарахтлар қийғос гуллаган сўлим бир боғ қўйнида учрашдилар. Атроф кўклам оҳангларига тўла, баҳорнинг сар-сари шамоллари анвойи ҳидларни димоққа урар, у ер-бу ерида оқ булутлар сузиб юрган осмон тобора тиниқлашиб борарди.Маҳкамнинг юрагидаги ҳислар борган сари мавжланар, нимадан сўз очишни билмасди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, улар ўн йил учрашмадилар. Мана, энди етуклик бўсағасида туриб, бир-бирига нима дейишни билмай, лолу ҳайрон эдилар.

Охири, Маҳкам таваккал қилиб, ўзини кўп йиллардан буён қийнаётган саволни Маҳбубага беришга қарор қилди. У ахир, бир вақтлар Маҳкамга атаб шеърлар ёзарди!

Баҳорнинг аллаловчи қуёши нурларига ғарқ бўлган боғда икковларидан бўлак ҳеч ким кўринмас, бу сўлим масканнинг чеки чегараси ҳам йўқ эди гўё. Улар гўзал манзарага маҳлиё бўлиб секин одимлашар, ўзларини бир мунча яқинлаштирган лаҳзалар чўзилишини исташарди,чамаси.

Маҳкам кўксини тўлдириб нафас олди, ғўнғиллаганича гул атрофида чарх ураётган асаларини бир зум кузатиб турди-да, сўнг сўз қотди:

— Маҳбубахон, сизнингча шафтоли гули чиройлими ёки гилосники?

Маҳбуба жавоб қилмай, бироз сукут сақлади. У Маҳкамнинг табиатини яхши билса-да, бунақа саволни кутмаганди, чамаси. Шу боис бироз паришон жавоб берди:

— Билмасам...Мен бу тўғрида ўйламаган эканман.

Аёл қирмизи рўмол ўраган келинчакдек оролаңиб турган шафтоли дарахтига ўйчан нигоҳ ташлади, юрагида аллақандай завқ туйгандек бўлди. Лекин овозидаги ўша лоқайд оҳангни ўзгартирмай сўзида давом этди:

— Мен ҳозир кўпроқ қайси кўйлагим чиройли, қайсисини кийсам экан, деб ўйлайман.

Маҳкам оғрингандек бўлди.

— Майли, бироз ўйлаб, кейин жавоб қилсангиз ҳам бўлаверади.

— Нима, сиз мени имтиҳон қиляпсизми?

— Мен эмас, ҳаётнинг ўзи биз гумроҳларни ҳар он, ҳар соат, ҳар кун имтиҳон қилиб туради. Ва минг афсуски, бу имтиҳондан шафқатсизларча йиқитади ҳам!

— Э, йўқ, акажоним! Биз имтиҳонлардан йиқиладиган хилидан эмасмиз. Йўлини қиламиз!

— Ҳозир ҳам йўлини қилинг, бўлмаса.

— Йўлини қилдим. Билмайман, қайси гул чиройли эканини! Қутулдимми?!

— Йўқ. Қутулмадингиз. Мендан қутулиб бўпсиз!

Улар боғ сайрида давом этдилар. Ложувард осмон тобора юксалар, гулга бурканган боғ атри кишини маст қилгудек. Маҳкам кўклам латофатидан кўз узолмасди. Маҳбуба уни жимгина кузатар, ҳеч сўз демасди.

Яна Маҳкам сўз бошлади:

— Тасаввур қилинг!

— Тасаввур қилдим.

— Нимани тасаввур қилдингиз?

— Сизнинг имтиҳонингиз тугади, деб тасаввур қилдим.

— Адашасиз. Менинг имтиҳоним тугаши мумкин. Лекин ҳаёт имтиҳонлари ҳеч қачон тугамайди. Ҳеч қачон!

— Йўқ, тугайди! Ахир, ҳамма нарсанинг ҳам интиҳоси бор-ку.

— Хато қиласиз. Чексиз, чегарасиз нарсалар ҳам бор. Масалан, инсон орзу-умидларининг чегараси йўқ!

Маҳбуба яна жим қолди. Маҳкам унинг чиройли кўзларига узоқ тикилди. Улардан ниманингдир ифодасини топмоқчи бўлди. Лекин қанча тикилмасин, ҳеч қандай ифода англаёлмасди. Аёлнинг нигоҳида савол, сон-саноқсиз саволлар мавжуд эди, холос. Маҳкам эса бу саволларни унинг тилига чиқаргиси ва уларга жавоб бергиси келарди. Наврўз нафаси унинг юрагини жунбушга келтирган хаёллари уммони қирғоқларидан ошмоқда эди.

— Фараз қилинг...

— Фараз қилдим! — эркаланди аёл.

— Фараз қилинг, 50 миллион сўм пулингиз бор!

— Ўҳ-ҳў,бунча пулни қаердан оламан?!

— Киши астойдил истаса, ниятига етади. Мана шу пул ҳозир қўлингизда, мени берди деб ўйланг. Нима қиласиз шунча пулни?

— Э, сизда бунча пул нима қилади? Отангиздан олтин ёмбилар қолмаган бўлса. Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди.

— Оббо, одамни қон қилиб юбордингиз-да! Ахир, фараз қилинг дедим-ку!

— Хўп, хўп, — таслим бўлди аёл. — Қўлимда 50 миллион сўм пул бор.

— Мана бу бошқа гап. Энди шунча пулни нималарга сарфлашингизни айтиб берсангиз, олам гулистон!

— Энди шошилмайсиз! Шунча пул бекорга берилмайди, — Маҳбуба шўх ўйнаб турган кўзларини юмиб, ҳузурланиб хаёл сурди, сўнгра худди биров қўлидан пулини олаётгандай сесканиб атрофга аланглади.— Эллик миллион сўм-а! Бу айтишга осон!

Маҳбуба энди ҳақиқатан ҳам қўлига бирдан катта пул тушиб қолган-у нима қилишини билмай турган одамга ўхшаб кетарди. Ҳаракатлари нотабиий. Уни жимгина кузатаётган Маҳкам ичида афсус чекиб хаёл сураради. Буни қарангки, катта пулнинг ўзи эмас, ҳатто хаёли ҳам кишини маст қилиб қўя оларкан-а.

Маҳкам айқаш-уйқаш бўлиб кетган хаёлларини жамлаб, яна аёлга савол назари билан қаради. Маҳбуба «мен тайёр» дегандай жилмайиб сўз бошлади:

— Мен биринчи навбатда «Мерседес» сотиб олган бўлардим.

— «Мерседес»ни нима қиласиз, ҳайдашни билмайсиз-ку! — ўйинини давом эттирди Маҳкам.

— Буниси билан ишингиз бўлмасин. Ахир ўзингиз мени хаёл суришга мажбур қиляпсиз-ку! Сирасини айтганда, арава бўлса, сизга ўхшаган аравакашлар топилиб қолар.

— Хўп, майли, қабул қилдик жавобингизни. Яна нимани истайсиз?

— Янами, яна Ўрта Ер денгизида икки қаватли вилла сотиб оламан. Бассейн, саунаси ҳам бўлади.

— Жуда соз! Пулни оқилона сарфлаяпсиз. Ўзи сиз аёллар, биз эркаклардан кўра пухтароқсизлар-да. Бу жавобни ҳам қабул қилдик. Миллионер хоним яна нимани истайдилар?

— Жуда кўп тилла тақинчоқлар, кўйлаклар, француз атирларию упа-эликлар.Уй хизматчилари, энг яхши сартарошлар, кийим тикувчилар, уқаловчилар...

Маҳбуба берилиб кетиб кўнгли тусаган нарсалар рўйхатини шу қадар чўзиб юбордики, Маҳкамнинг хомчўтича, бу нарсаларга 50 миллион сўмнинг етиши даргумон эди.

Маҳбуба эса энди тўхтаёлмас, Маҳкам унинг оғзига ҳарчанд тикилмасин, орзиқиб кутган калималарни тилга олмасди.

Маҳкам ота-онасидан эрта айрилган, шу боис ота-онаси борларга жуда ҳаваси келарди. Ҳозир ҳам у юраги увишиб, Маҳбуба отаси ҳақида сўз очишини кутарди. У Маҳбубанинг кўзи ожиз отаси борлигини биларди. Маҳбуба эса отасини хаёлига ҳам келтирмаган, ёлғондан ваъда қилинган пул ҳою ҳаваси билан осмону фалакда учиб юрарди. Маҳкам бундай ўйин қилганига минг пушаймон бўлиб, хаста товушда зўр-базўр сўради:

— Отангизни унутдингизми? У кишини даволатмайсизми, ахир?

Маҳбуба пинагини ҳам бузмади.

— Унутганим йўқ. У кишини даволатишнинг сира иложи йўқ. Энди...Отам ёшларини яшаб, ошларини ошадилар...

— Наҳот, у киши умрларининг сўнгида бўлса ҳам ёруғ жаҳонни кўришларини истамасангиз?

— Истайман, жуда-жуда истайман. Лекин бунинг сираям иложи йўқ-да.

— Шунча пул билан бир иложи топилар. Сиз ахир, ҳамма нарсанинг иложини топиб, ўрганиб кетгансиз-ку. Отангизни эса, ҳатто хаёлан ҳам даволатгингиз келмайди.

— Қани, аввал ўша пулни олайлик-чи, кейин бир гап бўлар, жаноби хаёлпараст, — жилмайиб муроса қилди Маҳбуба.

У Маҳкам ҳазиллашиб бошлаган ўйинга жуда киришиб кетган, тўхтатгиси йўқ эди.

Улар боғ адоғига келиб қолишган, дарахтлар худди қорга бургангандек кўзни қамаштирар, Маҳкам каловланар, тилига бирор сўз келмасди.

Улар ёмғирдан сўнг ҳосил бўлган кўлмакларни бир-бир оралаб ортга қайта бошладилар. Кўлмаклар юзини оқ, пуштиранг гуллар қоплаган. Маҳкамнинг уларга қараб йиғлагиси келарди. «Менга нима бўляпти ўзи? Наҳот шунчалар таъсирчан бўлиб қолдим?»

Орадаги сукунатни энди Маҳбуба бузди:

— Хўш, имтиҳон қилиш навбатини менга берасизми, жаноби хаёлпараст?!

— Бажонидил. Сиз имтиҳон қиласизу,мен йўқ дейманми?

— Айтинг-чи бўлмаса, ўша миқдордаги пул қўлингизга тушиб қолса, нима қилар эдингиз?

Маҳкам яна нигоҳларини шафтоли гулларига қадади, чуқур хўрсинди ва жавоб қилди:

— Ана шу шафтоли гуллари умрини озгина узайтиришга сарфлаган бўлардим бу пулларни. Ва бир кўйлаклик оқ шоҳи мато сотиб олардим. Раҳматли онагинам чиройли аёл эдилар, у кишига оқ кўйлак олиб беришга пулим йўқ эди.Ана шунақа гаплар.

Маҳбуба унинг кўзларига қарамади, лоқайд нигоҳларини дарахт шохларига қадаб, заҳарханда жилмайди:

— Хомхаёл, сира ўзгармагансиз, Маҳкам ака!

Орага яна оғир сукунат чўкди. Бу сукунатни энди чамаси ҳеч нима буза олмасди.

* * *

Яна Наврўз келади. Шафтоли, олмалар гуллайди. Сўнгра ёмғир ёғиб, гуллар ер билан битта бўладилар, кўлмаклар юзини қоплайдилар. Маҳкам ҳамон кайси дарахт гули чиройли экани ҳақида бир тўхтамга келолмайди. Кўлмак юзида титраётган ғунчалардан кўз узолмайди. Ўзи ҳақми, Маҳбубами, буни ҳам билмайди.

Табибимиз — табиат

Кўклам неъматларининг шифобахш хусусияти ҳақида олий тоифали шифокор Нурилла ШАРИПОВ билан суҳбат



— Нима сабабдан кўклам ташрифи билан одамларда ўзгача бир кўтаринкилик, яшашга иштиёқ юз беради?

— Дунёдаги барча мавжудотларнинг яшаш учун курашиши, яъни униб-ўсиши, кўпайиши ва ривожланиши асосан баҳордан бошланади. Инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги. Унинг руҳияти, саломатлигига ҳам атроф-муҳитдаги ўзгариш, яшариш ва янгиланиш ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Наботот олами ер, сув, ҳаво ва қуёшдан баҳра олиб жонланганидек, одам ҳам ҳаёт рамзи ҳисобланмиш бу тўрт унсурга эҳтиёж сезади. Инсон руҳияти табиатан гўзалликдан ҳузур-ҳаловат топади. Кўклам чечакларининг муаттар ҳиди анқиган ҳаводан нафас оларканмиз, ўпкамиз тозаланади, кайфиятимиз кўтарилади. Бу эса, ўз навбатида, юракка қувват бериб, дардларни аритади.

Бошқача айтганда, руҳий қувватланиш танадан касалликни сиқиб чиқаради. Шундай экан, кўкламда турли саёҳат ва кўнгилочар тадбирлар уюштириш саломатлик учун фойдали. Аждодларимиз бежизга Наврўз кунлари дошқозонларда сумалак ва ҳалим пиширмаганлар.

— Демак, халқ удумларида инсон саломатлигини таъминлайдиган катта ҳаётий ҳикмат яширинган экан-да.

— Улар шунчалик мукаммалки, баъзида замирида яширинган мақсадни англаб, боболаримизнинг табобат илмида ҳам илгарилаб кетганига ҳайрон қоламан. Маълумки, ҳар қандай ободлик аввал кўнгилдан бошланади. Бемор ва ҳожатмандларга саховат ва меҳр кўрсатиш одамларни ҳам маънан, ҳам руҳан соғломлаштиради. Руҳнинг соғломлиги вужудимиз саломатлиги гаровидир. Халқимиз эса азалдан вужуд соғломлиги ва руҳ баркамоллигига алоҳида аҳамият қаратган. Мижозини яхши билган. Шунга қараб овқатланган. Руҳни чиниқтириш орқали соғлигини мустаҳкамлаган.

Мисол учун, ким биландир уришиб қолган кишининг руҳиятида қандайдир салбий ҳолатлар сақланиб қолади. Бундай нохушлик, албатта, саломатликка таъсир кўрсатмай қолмайди. Уришганлар ярашганида ана шу адоват кўнгилни тарк этади, бундан руҳ ҳам енгиллашади, ўз навбатида, кайфият ижобий томонга ўзгара боради.

Атроф-муҳит тозалигининг саломатликка фойдаси барчага маълум. Уй-жойдаги тозалик кўнгилга сафо беради. Касалликни чақирувчи микроблар обод ва кўркам масканларга яқин келолмайди. Наврўзолди тадбирларда нафақат хонадонларга оро берилади, балки ҳашар уюштирилиб бутун мамлакатда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бу ҳам улуғ айёмнинг барҳаёт удумларидандир.

— Кўклам неъматларининг саломатликка таъсири ва шифобахшлик хусусиятлари ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Аллоҳ одамни яратиб, бу ёруғ оламдаги барча нарсаларни унинг камоли, соғлиги учун бахшида этган. Жумладан, наботот оламини ҳам. Фақат бу мўъжизалар тилсимот билан яратилган. Набототдаги ҳар бир мўъжизавий сирда алоҳида ишора ва аломатлар жамланганки, одамлар қунт қилибгина уни кашф этиши мумкин. Эътибор қилинса, ловиянинг тузилиши буйракка, ёнғоқ шаклан инсон миясига ўхшайди. Аслида ҳам буйрак хасталигига ловиядан, мия касаллигига ёнғоқдан шифобахш нарса йўқ. Бундай мисолларни гиёҳлар мисолида ҳам истаганча келтириш мумкин. Муҳими, биз уларни ақл кўзи билан кўриб, қалбан ҳис қилишимиз зарур. Наботот турлари қайси бир жиҳати: илдизи, гули, барги, меваси, ҳатто поясининг шакли билан инсоннинг бирон бир аъзосига ўхшаш қилиб яратилганки, бу ишора орқали унинг қандай касалликка даволигини билиб олса бўлади. Шуни унутмаслик керакки, она юртимизда ўсадиган гиёҳларнинг ҳар бири ўнлаб касалликларга даво. Масалан, наъматак, мойчечак, отқулоқ, исириқ... ҳаттоки чўлу биёбонда ўсадиган янтоқнинг ҳам илдизи, гули, меваси, поясигача шифобахшлик хусусияти бор. Фақат баъзилар бу неъматларнинг соғликка нафини билмайди, билса ҳам эътиборсиз. Ўз вақтида уларни йиғиб-териб қўймайди.

— Шундай шифобахш кўкатлар борки, йил бўйи ўсиб турса-да фақат март-апрел ойларидагина фойдали ҳисобланади. Бунинг сабаби нимада?

— Кўкламда барра ўтлару кўкатларнинг шифобахшлиги жуда юқори бўлади. Масалан: юнғичқа ўт фақат барра ҳолида мартнинг бошларида ейилса, кутилган натижани беради.

Ялпиз ҳам кўпроқ март-апрел ойларида шифобахш. Янги униб чиққан ялпиз иштаҳани очади, меъда заифлигида фойда қилади, таомга маза киритади. Халқ табобатида ундан жигар касалликлари, ўт йўллари яллиғланишларини даволашда, кўнгил айниш, қайт қилишга қарши фойдаланишган. Замонавий тиббиёт ҳам ялпизнинг шифобахшлик хусусиятларини ҳисобга олиб, юрак, жигар, овқат ҳазм қилиш тизими хасталиклари ҳамда йўталга қарши дорилар тайёрлашда ундан самарали фойдаланмоқда. Нуронийларимизнинг ялпизни қуритиб чойга қўшиб ичиб юришларида ҳам катта ҳикмат яширин. Бу кексаларни безовта қиладиган меъда хасталигида даво бўлиши билан бирга, энг яхши ўт ҳайдовчи ва асабни тинчлантирувчи дори ҳисобланади. Аммо ундан меъёрида фойдаланиш керак, акс ҳолда яра-чақанинг кўпайишига сабаб бўлади.

Набототдан фойдаланганда бир мезонни унутмаслик керак. Гиёҳлар ҳам аслида тирик организм, турли товушлардан таъсирланади, ўзига хос эшитади, кўради, баҳра олади, ҳатто қайғуради ҳам.

Атрофимизда ўсаётган ҳар неъматда қанчадан-қанча ҳикмат жамланган. Аммо улардан меъёрида, қолаверса, шифокорлар билан бамаслаҳат фойдаланмоқ шарт. Негаки, бир касалга даво бўлувчи кўкатлар бошқасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

— Сумалак, ҳалим, гўжа каби таомларнинг фақат баҳорда тайёрланишида қандай ҳикмат бор?

— Сумалакни баҳорда тўйиб еган киши йил бўйи касал бўлмайди, деган гапда жон бор. Сумалак ундирилган буғдой шарбатидан тайёрланади. Буғдой ўсимтаси эса углевод ва оқсилга жуда бой. Унинг таркибида бетакаротин, тиамин, ниацин, В6 ва инсон учун ниҳоятда фойдали С витамини мавжуд. Шу билан бирга, унда женшен таркибида учрайдиган шифобахш моддалар ҳам бор. У эркакларни наслсизлик, аёлларни эса бевақт бола ташлаш касаллигидан сақлайди.

Яна сумалак қон таркибини яхшилайди, уни суюлтиради, ошқозон-ичак йўлларини тозалайди, унинг фаолиятини яхшилайди, ични юриштиради, асабини тинчлантиради. Гипертония, сурункали гепатитга қирон келтиради. Аммо меъда ва ўн икки бармоқли ичак касалликлари, сурункали гастрит хуружи даврида сумалак истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Ҳалим ҳам оқсилга бойлиги боис соғликка фойдали. У организмнинг касалликларга қарши курашиш қувватини оширади. Ҳалим парҳез таом ҳисобланган, узоқ пишгани боис яхши ҳазм бўлади. Гўжа эса инсонда иммун тизими фаолиятини яхшилайди.

—Теварак-атрофимизда шунча табиий дорилар турса-да, биз негадир кимёвий дориларни афзал кўрамиз.

— Бунинг сабаби, биринчидан, лоқайдлигимиз бўлса, иккинчиси, ҳамиша ҳам соғлом турмуш тарзига унчалик риоя қилавермаганимиздандир. Ўйлаб кўрсак, бирорта касаллик ўз-ўзидан бошланмайди. У албатта, қайсидир эътиборсиз ҳаракатимиз натижасида пайдо бўлади. Дейлик, ҳаво булут бўлишига қарамай, енгил кийимда, эҳтиёт шарт соябон олмай кўчага чиқамиз. Ҳолбуки, ишдан қайтаётганимизда ёмғир ёғади. Сўнгра танамизда оғриқ сезилиши билан «қадрдон» доримиздан бирортасини ичиб оламиз. Оғриқлар секинлашгандай бўлади. Аммо кейинроқ иссиғимиз чиқади. Шифокор назоратисиз ичиладиган бу каби «қадрдон» дорилар бир кун келиб қайсидир хавфли касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бошқача айтганда, дардни ўзимиз сотиб оламиз. Бундан ташқари, терлаб туриб совутгичдан муздеккина сув ичамиз, кондиционерли хонада ўтирганимиз етмагандай, тунда ҳам тоза ҳаводан баҳраманд бўлмай, дераза-ларни беркитиб ётамиз. Меҳмонга борсак, одатдаги овқатланиш қоидаларини унутамиз...

Болалар шифокори бўлганим учун аксарият ҳолларда оналарнинг шикоятини эшитишимга тўғри келади. Боласи озиб-тўзиб кетган. Қандай овқат еганини сўрасам, турли қандқурс, колбаса, яна алланарсаларни санаб кетишади. «Ошкўклар, сабзавотларчи?» деган саволимга аксарият ҳолларда салбий жавоб оламан. Томорқалари бору, ошкўклардан экишмайди. Ўзи камқон, боласи нимжон, касалманд. Минг-минглаб сўмни дорига сарфлашади-ю арзонгина сабзавоту кўкатлардан баҳра олишмайди. Нега шундай? Баъзида уларга гап уқтира олмай қийналиб кетаман.

Тиббиёт қанчалик ривожланмасин, одам фарзанди учун табиат оналигича қолаверади. Унинг танга роҳат берадиган тоза ҳавоси, зилол сувлари, минг дардга даво сўлим масканлари, тоғ-тошларга урилиб тушаётган шаршаралари саси, қушлар чуғури, булбул навоси, турфа рангда товланиб кўзни яшнатувчи гулзору лолазорлари-ю, бахмал поёндозли қир-адирлар чирой бахш этган сурурни, шифобахшликни энг ноёб доридан ҳам топа олмайсиз.


Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)

● Футбол

Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг тўртинчи босқич олтинчи тур учрашувида Ливан футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

БРАЗИЛИЯГА ЯҚИН ҚОЛДИ



Биринчи бўлимда ҳар иккала терма жамоа вакиллари ҳам эҳтиёткорлик билан тўп суришди. Айниқса, Ливан терма жамоаси асосий эътиборни ҳимояга қаратиб, катта куч билан ҳимоялангани ўйиннинг қизиқарли ва ҳужумкор кўриниш олишига кўп жиҳатдан халал берди. Оқибатда ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлим эса кутилмаганда Ливан терма жамоасининг ҳужумкор ҳаракатлари билан бошланди. Бироқ бу Ливандан кўра Ўзбекистон фойдасига кўпроқ хизмат қилди. Рақибларимизнинг ҳужумга ўтиши натижасида ҳимояда бўшлиқлар пайдо бўлди ва иккинчи бўлимда майдонга тушган ҳужумкор ярим ҳимоячи Олег Зотеев ва ҳужумчи Фарҳод Тожиевнинг ҳаракатлари самараси ўлароқ 64-дақиқага келиб ҳисоб очилди. Сервер Жепаровнинг жарима майдончаси ташқарисидан йўллаган зарбаси учрашув тақдирини ҳал қилди — 1:0!

Кейинги дақиқаларда вакилларимиз учун бир қатор қулай имкониятлар юзага келди, бироқ ҳисоб ўзгармай қолди. Сервер Жепаров эса учрашувнинг энг яхши футболчиси деб топилди.

Ўйиндан кейин ташкил этилган матбуот анжуманида иштирок этган терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов ўйин борасида фикрларини билдирди:

— Бундай ўйинлар ҳеч қачон осон кечмайди. Муҳим ғалаба билан барчангизни табриклайман. Биринчи бўлимда Ливан терма жамоаси тартибли ҳаракат қилди, ўйинимиз қовушмади. Иккинчи бўлимда майдонга тушган Олег Зотеев ва Фарҳод Тожиев ўйинни кучайтира олишди. Кейинги ўйинларда ҳужумга янгилик киритишга ҳаракат қиламиз.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Жанубий Корея терма жамоаси ўз майдонида Қатарни қабул қилди ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси очколари сонини 11 тага етказиб, «А» гуруҳидаги пешқадамлигини сақлаб қолди. Жанубий Корея терма жамоаси эса 10 очко билан гуруҳда 2-ўринни эгаллаб турибди. Эрон ва Қатар терма жамоалари ҳисобида 7, Ливанда 4 очко бор.

Гуруҳдаги навбатдаги ўйинлар 4 июн куни ўтказилади. 8-тур доирасидаги ўйинларда Қатар терма жамоаси ўз майдонида Эронни қабул қилса, Жанубий Корея Ливан терма жамоасининг меҳмони бўлади. Футболчиларимиз 9-турда, 11 июн куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши, сўнгги — 10-турда, Тошкентда Қатар терма жамоасига қарши ўйнайди.



ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Истанбул шаҳрида жорий йилнинг 21 июн — 13 июл кунлари Туркияда ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига қуръа ташланди.



2012 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган терма жамоамиз, қуръага кўра, «F» гуруҳида Янги Зеландия, Уругвай ва Хорватия футболчилари билан куч синашадиган бўлди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки икки учрашувини Бурса шаҳрида ўтказади. 23 июнда ҳамюртларимиз Янги Зеландияга қарши майдонга тушади.

26 июнда ўтказиладиган иккинчи турда Аҳмаджон Мусаев шогирдлари Хорватия футболчилари билан куч синашади. 29 июн куни Анталия шаҳрида уругвайлик тенгқурларига қарши тўп суради.

● Касаба уюшма спорти

ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

Пойтахтимиздаги 28-умумтаълим мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олмазор тумани кенгаши томонидан аёллар ўртасида «Спорт — гўзаллик рамзи» мавзуида мусобақа ўтказилди. Унда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик ташкил этиш бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари беллашди.





Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавий турларини ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирокчилар қувноқ стартлар, стол тенниси, волейбол, дартс, шахмат, шашка бўйича куч синашишди. Қизғин ва мураккасиз руҳда ўтган стол тенниси беллашувларида З.Раҳимова (249-умумтаълим мактаби), дартсда Д.Мусаева (182-МТМ), шахматда Ф.Қодирова (168-МТМ), шашкада Н.Маҳамадалиевалар (119-умумтаълим мактаби) биринчиликни қўлга киритишди.

— Барча ташвишлардан холи бўлиб, дўстона муносабатда беллашдик. Йўл-йўлакай касб-коримизга оид масалалар хусусида фикрлашиб олдик . Ўзим шашка ишқибозиман. Бўш вақт топдим дегунча, яқинларим билан дона суришни бошлаймиз. Ҳамкасблар ўртасида бу каби мусобақаларни тез-тез ўтказиб турамиз, — деди 119-умумтаълим мактаби директори Нигора Маҳамадалиева. — Чунки спорт — гўзаллик рамзи ҳамдир.

С. АБДУРАҲМОНОВ.
И. ҲАСАНОВ олган суратлар

● Дзюдо

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида беш юз нафардан зиёд спортчи беллашди.



ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИ

Қизлар ўртасида Ирода Матмуродова, Гулноза Матниёзова, Нодира Гулова, Дилдора Убайдуллаева, Шоҳида Назарова, Шоира Машарипова ҳамда Обида Алладўстова ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эркаклар ўртасида ғолиблик Яҳё Имомов, Шерали Жўраев ва Тошкент вилояти вакиллари Мирзоҳид Фармонов, Шуҳрат Тўрабоевга пойтахтлик Баҳром Иноятов, Соиб Қурбонов, самарқандлик Сарвар Шомуродовга насиб этди.

● Теннис

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда спортчимиз Темур Исмоилов бош совринни қўлга киритди.

ИККИНЧИ БОШ СОВРИН



Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) мусобақалари тақвимига кирувчи халқаро турнирда Буюк Британия, Финляндия, Швейцария, Полша, Руминия, Грузия, Беларус, Россия, Латвия, Литва, Украина ва Қозоғистон теннисчилари яккалик ва жуфтлик беллашувларида куч синашди.

Ўтган йилги мусобақа ғолиби бўлган Темур Исмоилов чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди.

Қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида россиялик Анастасия Ричагова ғолиб бўлди. Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида украиналик Александр Лебедин ва беларуслик Иван Лютаревич дуэти зафар қучган бўлса, қизлар мусобақасида қозоғистонлик Осиё Даир ҳамда руминиялик Андреа Гитеску бош совринга сазовор бўлди.

● Мусобақа

ТЎСИҚЛАР ЧЎТ ЭМАС

Бўстонлиқ туманидаги «Аллюр» от спорти клуби Ўзбекистон кубоги беллашувларига мезбонлик қилди.



Баландлиги 1 метрлик тўсиқлардан ўтиш бўйича Сардор Раҳмонов «Фаворит» лақабли оти билан ғолиб чиққан бўлса, икки от билан қатнашган Темур Азизов кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди.


115 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш баҳсида Оқил Собиржонов биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллади. Сардор Олимжонов эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Тажрибали спортчи Умид Комилов 120 сантиметр, Азиз Содиқов 130 сантиметрли тўсиқлардан от сакратишда ғолибликни қўлга киритди.

Қизлар ўртасида от йўрттириш баҳсларида Елена Честякова олтин, Евдокия Камолова кумуш ва Анна Михайлова бронза медал билан тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

155 МЛН. ДОЛЛАРЛИК «ОРЗУ»




SAC Capital Advisors инвестицион компанияси эгаси, АҚШдаги энг йирик санъат асарларини тўпловчилардан бири Стивен Коэн казино эгаси Стив Уиндан 155 млн. долларга Пикассонинг «Орзу» (Le Reve) деб номланувчи асарини сотиб олди. Бу америкалик коллекционер томонидан санъат асари учун тўланган энг катта маблағдир.

Қизиқарли жиҳати шундаки, сурат бир неча йил илгари кўриш қобилияти хиралашган олдинги эгасининг тирсаги тегиб кетиши туфайли тешилиб қолган эди. Сурат шикастланмасдан илгари 139 млн. долларга баҳоланган. Нархнинг ошиб кетиши эса қиммат-баҳо реставрация ишларини амалга ошириш туфайли содир бўлган.

«Орзу» суратида Мари-Терез Вольтер акс эттирилган. Мари-Терез модель ҳамда Пикассонинг маъшуқаси бўлганлиги таъкидланади. Улар 1927 йили рассом 45 ёшга тўлганида танишишган. Бу вақтда Мари-Терез 17 ёшда эди. Аёл Пикассонинг бошқа суратларида ҳам акс этган.

ТЕРМИНАТОР

Европалик олимлар ҳам АҚШлик ҳамкасбларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилишмоқда. Улар ҳақиқий фикрловчи робот ясашга бел боғлашган. Роботлар учун «интернет мия» — «Rapyuta»нинг ишга туширилиши ана шу йўналишдаги жиддий қадам бўлди.




«Rapyuta» ҳозир амалиётдаги роботларга дуч келган объектлар тўғрисида интернет орқали маълумот олиш имконини беради. Бундан ташқари, «Rapyuta» робот оператив тизими томонидан амалга оширилиши керак бўлган ҳисоб-китобларнинг бир қисмини бажариш орқали унинг ишини енгиллаштиради. Бу эса фойдаланилаётган роботларнинг «фикрлаш» тезлигини оширади.

Цюрихдаги Швейцария федерал технологик институти ходимлари фикрича «Rapyuta» учувчисиз самолётлар ёки автоном автомашиналар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бундай «мия»га эга бўлган робот ўзи каби бошқа робот билан орадаги масофадан қатъи назар интернет орқали мулоқот қилиши, маълумот алмашиши мумкин. Бу эса роботларнинг билимларини оширишга хизмат қилади.

Қурилманинг номи япониялик мултипликаторлар томонидан экранлаштирилган «Лапута самовий қаср» мултфилмидан олинган. Мултфилм сюжетига биноан Лапута ёки «Rapyuta» фикрловчи роботлар яшайдиган маскан ҳисобланади.

Америкалик олимлар квант физикаси қонунлари асосида ишлайдиган музлатгич ихтиро қилишди. Тажрибалар жараёнида янги қурилма томонлари 2,5 см., қалинлиги эса 3 миллиметр бўлган мис пластина ҳароратини 18 соат мобайнида 265 милликельвингача (Целсий бўйича -273.15 градус) пасайтира олган.



ЦЕЛСИЙ БЎЙИЧА — 273.15

Шу кунгача олимлар бу каби қурилмага эга бўлмаган эди. Эндиликда ўта паст ҳароратлар билан боғлиқ тажрибаларни ўтказиш имконияти вужудга келди. Бу асосан ҳарорат жуда паст бўлган сайёраларда ишлашга мўлжалланган роботларни яратиш, турли металл ва бошқа жисмларга совуқнинг таъсирини ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Бундан ташқари, қурилмадан телескопларнинг ўта таъсирчан қисмларини ясашда ҳам фойдаланиш мумкин.



ОҒУФУРУШЛАР

Беларус давлат божхона қўмитасининг хабарларига кўра, ўтган ҳафта Беларус ва Латвия давлатлари чегарасидан кўп миқдорда наркотик моддаларини олиб ўтишга уринган жиноятчилар қўлга олинган.

Наркотик моддалар алкоголсиз ичимликлар ортилган юк машинасини кўздан кечириш вақтида топиб олинди. Маълум бўлишича, жиноятчилар машинанинг музлаткичли тиркамаси ичига махсус яширин жой ясашган ва шу орқали 174 халтачага жойлаштирилган героин моддасини чегарадан олиб ўтишга ҳаракат қилишган.

Таҳлиллар героин Афғонистонда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатяпти. «Маҳсулотнинг» умумий оғирлиги 85 килограмни ташкил қилади. Европа «қора бозорида» унинг нархи 5 миллион долларга баҳоланиши мумкин эди.

Умуман, 2012 йил давомида Беларус божхоначилари томонидан 1,5 тонна наркотик ва психотроп моддалар контрабандасининг олди олинган.

Интернет хабарлари асосида
У.ИБОДИНОВ тайёрлади

Буюк Британиянинг Bookseller журнали «Diagram – энг ғалати номдаги китоб» танлови ғолибини эълон қилди. Китобхонлар орасида ўтказилган сўровлар натижасига кўра танловда 38 фоиз овоз билан «Қандай қилиб товуққхонани гобленлардан ҳимоя қилиш мумкин»(Goblinproofing One's Chicken Coop) деб номланган асар ғолибликни қўлга киритган. Гобленлар Ғарбий Европада ер остида яшовчи бадбашара, безори афсонавий маҳлуқлар ҳисобланади.



ТОВУҚЛАР ВА ГОБЛИНЛАР

Китобнинг кириш сўзи муаллифи Клинт Марш унинг учун танловда ғолиб чиқиш катта бахт эканини таъкидлаган.

— Ўқувчилар товуқларни энг ёқимсиз афсонавий мавжудотлардан қандай қилиб ҳимоя қилиш тўғрисидаги энг мукаммал асарни ўқиш имкониятига эга бўлишди, — деди у. — Реджиналд (китоб муаллифи) ва мен бу ғалабани одамлар товуқхоналарда безорилик қилаётган гобленлардан кўп азият чекишганининг далолати деб ҳисоблаймиз. Биз бундан кейин ҳам афсонавий маҳлуқлар билан курашни давом эттирамиз.

Diagram танловининг якуний рўйхатидан бундан-да бемаъни номланишга лойиқ олтита китоб жой олган бўлиб, «Қалам (учлаш) очиш тўғрисида инструкция» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Реклама ва эълонлар

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: **ЛОТ-7.**
ЛОТ-7-3. «Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар Юқори Мўян маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш».
Бошланғич нархи — **149 357 100 сўм ҚҚС билан; 124 464 250 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати: **30.08.2013 й.**
Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел.(373) 224-24-33.
Қурилиш ишлари: **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс:224-18-71.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида* ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган

Ishonch 2013-yil 28-mart
№ 38-39 (3232)

Кулги куни арафасида



Юз йил яшар ҳушчақчақ одам...

Шифокорларнинг таъкидлашича, хафагарчиликка энг сезгир аъзо — юрагимиз экан. Салбий таъсиротлар туфайли юракнинг қисқариш мароми бузилади, қон ҳамда танадаги жараёнлар ўзгаради, бунинг оқибатида иммунитет сусаяди. Бинобарин, киши хасталикка осонгина чалинади. Хўш, бундай ҳолда нима қилмоқ керак? Руҳий изтиробларни хушчақчақлик билан енгсак бўлмасмикин?! Ахир табассум асаб бузилишининг олдини олибгина қолмай, балки кўпгина касалликларни ҳам даволаб юбориши мумкинлиги исботланган-ку!..

Турли йиғинларда, истироҳат боғларида, чойхоналарда аскиялар айтиб одамларни кулдирган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади» деган экан. Чиндан ҳам кулги киши қалбини завқ-шавққа тўлдирибгина қолмай, саломатлик учун ҳам фойдалидир.

Физиолог олимларнинг аниқлашларича, кулги мияга куч беради, ўпкада ҳаво алмашинувини яхшилайди, бош мия қобиғидаги импульсларнинг юришини тезлаштиради, бу эса янги ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, кулган чоғларимизда тана яйраб ҳузурланади...

«Инсон вужудидаги энг нозик аъзо – асабдир, жамики хасталикларнинг юзага келиши асабнинг бузилиши билан боғлиқ», деган фикрни Абу Бакр ар-Розий айтган. Чиндан-да, доимий қаҳр-ғазаб саломатликка салбий таъсир кўрсатиш баробарида кишини тез қаритади ҳам.

Кимгадир ғазабимизни сочсак, ўзимиз енгиллашгандек бўламиз, бироқ қаҳр-ғазабимизнинг «уруғ»лари юрагимизнинг бир чеккасига ўрнашиб қолади ва айнан ўша жойда касаллик ўчоғини вужудга келтиради. Оқибатда, руҳий мувозанат бузилади, танада хавфли ўсмалар ривожланиши, ошқозон яраси пайдо бўлиши мумкин. Аянчлиси, юрак аста-секин ишдан чиқади.

«Ўзгаларга табассум улашиб яшашга одатланинг, ана шундагина бу нарса сизнинг ўзингизга ҳам хуш кайфият ато этади!» дейди психологлар. Атрофимиздагилардан бирортаси муаммолар исканжасида қолган бўлса, унга ҳамдард бўлиш, кўнглини овлаш, таскин-тасалли бериш баробарида қалбига қувонч олиб киришимиз лозим. Зеро, бу хусусда Абдураҳмон Жомий шундай деганлар:

Сиқилган кишига кулгу бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил, яхшироқ.
Шакардан топади маза оғиз, тил,
Кулгудан топади лаззат руҳу дил.

Бир ботмон қанддан афзал

Табассум дардни енгади

Америкалик журналист Норман Казинс етмишинчи йилларнинг бошида ўз устида шундай тажриба ўтказган: у бир неча ой фақат кулгили комедияларни томоша қилади. «Кулги сеанслари натижасида суякларимда пайдо бўлган оғир касалликдан қутулдим», дейди у. Буни қарангки, Казинс кейинчалик кулги билан даволаш кафедрасини ташкил этади. Эндиликда Америкада 600 нафардан ортиқ кулги терапевтлари иш юритади.

Америкалик олимларнинг эътироф этишича, ҳамиша табассум қилиб юриш дардни енгишда, терининг аллергик хасталикларини даволашда кўмаклашади, бўйин ва елка мушакларини бўшаштириб, бош мия ҳамда юрак ишини яхшилайди!

...Саҳнада қизиқчи пайдо бўлиши биланоқ юзингизга табассум ёйилади. Негаки, у илгари айтган ҳангомалар ёдингизга тушади ва янгиларини эшитишга тараддудланасиз. Қизиқчи сўз бошлайди:

Бир киши ҳаллослаганича соқчилар идорасининг эшигини қоқади:

— Ҳой, тезроқ мени қамаб қўйинглар!

— Нима бўлди? — деб сўрашади ундан.

— Хотинимнинг бошига ўқлоғи билан туширдим.

— Оббо! Ўлдими?

— Э, ўлиш қаёқда? Пичоқ кўтариб ортимдан қувиб келаяпти! Тезроқ мени қаманглар!

Ҳангомани эшитиб беихтиёр кулиб юборасиз. Кулгингиз дарров бошқаларгаям «юқади». Сиз шунда атрофингиздагиларга разм солинг-а, ҳаммаларининг чеҳралари гўзаллашиб, гўё яшариб кетгандай кўринади. Аслида биз ҳазилни тушунадиган, кулгисевар миллатмиз. Кулгининг фойдаси эса халқимизга қадимдан маълум.



Ҳазил чарчоқни аритар

Саҳнадаги қизиқчи ҳамон ҳангомалар айтиш билан банд. Ўтирганлардан қай бири кўзлари ёшлана-ёшлана юракдан куларди, яна қай бирлари мийиғида жилмайиб қўя қолади. Ҳа, кулгини тушуниш ҳам бир санъат. Яйраб кулган киши эса чинакам бахтлидир. Яна бир ҳангома шундай бошланади:

Қорни жуда очиққан меҳмон уй эгасининг ўғлидан секингина сўради:

— Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?

— Ўзимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон бўлса, у кетгунча сабр қиламиз.

Яна бир ҳангома

Тонгда уйғонган аёл эрига дейди:

— Ҳозиргина туш кўрдим, сиз менга мўйналипальто оберганмишсиз.

Эр жавоб қайтаради:

— Азизам, яна бир оз ухла. Балки ўша мўйнали пальто учун пулни қаердан олганимниям кўрарсан.

Аслида қизиқчининг одамларни кулдиришдан мақсади битта. У ҳам бўлса — инсонлар феълидаги майда-чуйда нуқсонларни енгил юмор йўли билан уларнинг ўзларига эслатиб қўйиш. Лекин кўпчилигимиз ҳангомалар замиридаги маъно-мазмунни тўлиқ тушунавермаймиз. Баъзида қизиқчилардан ўпкалаб ҳам юрамиз. Ваҳоланки, Арасту «Ҳазил ҳордиқ бўлгани учун ҳам асабларни мулойимлаштиради» деган эди.

Шахсий ҳаётимиздаги кўпгина муаммолар, аввало, кайфият йўқлигидан келиб чиқади. Рим императори, буюк файласуф Марк Аврелий мутахассисларнинг бу фикрини кенгроқ изоҳлаб шундай дейди:

«Бизнинг ҳаётимиз — бу ҳаёт ҳақида нимани ўйлаётганимизнинг айнан ўзгинасидир». Яъни биз бахт ҳақида ўйласак, ўзимизни бахтли ҳис этамиз. Ўйларимиз ғамгин бўлса, тушкунлик гирдобида қолган инсонга айланамиз. Қўрқинчли фикрларни хаёлдан ўтказсак, даҳшатга тушамиз. Касалликларни ўйлайверсак, бемор бўлиб қолишимиз тайин. Агар ўзимизга раҳмимиз келса, ҳамма биздан узоқлашиши турган гап. Ҳар биримиз ўзимизда ҳаётга нисбатан салбий эмас, ижобий муносабатни шакллантиришимиз керак. Кўтаринки руҳда яшасак, қадамимизда учраган мағлубиятни енгиш осон кечади. Қаранг, яхши кайфият шундай ғаройиб куч-қудратга эга.

Шифобахш таъсир

Бразилиянинг саломатлик маркази томонидан кулгитерапия шифохонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлганича йўқ. Мутахассисларнинг текшириш натижаларига кўра, бу жойда беморларга қўлланилаётган муолажалар яхши натижалар бермоқда. Кулгитерапия шифохонаси бу мамлакатда ягона, шунинг учун ҳам даволанишни истайдиганлар ойлаб навбатда туришади. Хўш, ушбу масканда даволаш ишлари қай усулда олиб борилади? Беморлар энг қизиқ кинокомедиялар, кулгили спектаклар ва видеоёзувларни томоша қилишади, машҳур қизиқчиларнинг ҳангомаларини эшитишади. Рақс майдончасида эса шўх мусиқа таралиб туради, гоҳо беморлар ана шу майдончада ўйинга тушиб кўнгил ёзадилар. Шифохона хиёбонлари, йўлаклари, ошхоналар деворларига қизиқарли карикатуралар осиб қўйилган. Муҳими, бу ерда мижозларнинг юракдан мириқиб кулишлари учун кулгитерапия мутасаддилари барча имкониятларни ишга солишади.

Кулги танани яйратади, юракни яшнатади. Ёнимиздаги киши табассум қилса, шу табассум тафти бизнинг юрагимизгаям оқиб киради. Шу тарзда юраклар ёғдуга тўлади, кайфият кўтарилади. Турмуш тарзимизда кулгининг аҳамияти шу қадар мумкин, кўпгина муаммоларни кулги ёрдамида енгиб, стресс оқибатида пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олишимиз мумкин. Бунинг учун биз кулгининг кучига ишонмоғимиз лозим!

Ҳинд олимлари кулги билан даволаш юзасидан изланишлар олиб боришган ва бир кеча-кундуз давомида 17 дақиқа кулиш лозимлигини тавсия қилганлар. Мутахассис олим Карл Родал ўз тажрибаларига асосланиб «10 дақиқалик кулги 15 дақиқалик гимнастика ўрнини босади», деб таъкидлаган.

Чиндан ҳам яхши кайфият кулгига йўл очади.

Кулги мушакларни бўшаштиради. Кулги таъсирида овқат ҳазм бўлиши яхшиланади, асаб тизимида ижобий кайфият пайдо бўлади. Инсон қачонки яйраб кулса, дардлари ариб, танасидаги чарчоқ ҳам ёзилади, кулгининг шифобахш таъсири натижасида киши умрига умр қўшилади.

Доимо соғлом яшай десангиз хушчақчақлик сизни тарк этмасин, азизлар. Кулги ва табассумнинг тафти вужудимизни иситиб, юракларимизни чароғон этиб турсин.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Газетанинг навбатдаги сони 2 апрел сешанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Oksana Belausova, Dovud Madiyev (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor Mahmadaliyev, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-3 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00; Qashqadaryo +998 91 467-30-01.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.55

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: N.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma G – 311 21711 nusxada bosildi 12 45